O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2007-yil, 5-oktabr • № 40 (3920)

## ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ АНЖУМАНИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида "NEW: Иллюзиялар ва ҳақиқат" IV —Тошкент халқаро замонавий санъат Биенналеси ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳомийлигида ташкил этилган мазкур анжуманнинг тантанали очилиш маросимида мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларнинг таниқли рассомлари, юртимиздаги элчихоналар вакиллари, санъатшунос олимлар, мутахассислар ва мухлислар иштирок этдилар. 2001 йилдан буён ўтказилиб келинаётган Тошкент Биенналесининг халқаро нуфузи йилдан-йилга ошиб, унда хорижлик ижодкорларнинг иштироки ортиб бормоқда. Кўргазмадан ўттиздан ортиқ мамлакатдан 150 дан зиёд санъат усталарининг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, пластика, фото, видеоарт, кулолчилик асарлари жой олган. Юртимизда яшаб ижод қилаётган таниқли ва ёш рассомлар ҳам бу тадбирда муваффақиятли иштирок этмоқдалар.***

*Мазкур анжуманнинг аҳамияти ҳақида таниқли рассом Файзулла Аҳмадалиев шундай деди:*

— Шаҳримизда тўртинчи маротаба ўтаётган Биенналенинг халқаро миқёсдаги аҳамияти жуда катта. Турли давлатлардан келган ижодкорлар ўз асарлари билан қатнашадилар, ҳамкасблар учрашадилар, мулоқотда бўлиб бирбирларидан ўрганадилар.

— Юртингизга бир келишни жуда орзу қилардим, — дейди латвиялик Илона Шауще. — Айниқса, Самарқанд ҳақида жуда кўп ҳикоялар эшитгандим. Кўриб турганингиздек, асарларим маъқул бўлиб, бу йилги Биенналега қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Самарқанд шаҳрида бўлиб, кўп гўзал санъат асарларини кўриб, ҳайратландим. Самарқандни таърифлашга сўз ожиз. Менга биноларнинг мозаикалари жуда ёқди. Биенналеда кўпгина ўзбек рассомларининг асарлари билан танишдим. Уларни латвиялик машҳур рассомлар Марк Родко, Марк Шагал шарафига ташкил этиладиган катта тадбиримизга таклиф этмоқчиман. Ривожланган техника асрида компютер-интернет орқали ўзбек санъат усталари билан бемалол мулоқот ўрнатишимиз мумкин.

Биеннале шаҳримизнинг маданият ва санъат масканларида ўз ишини давом эттирмоқда.

**Ўз ахборотимиз**



С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## МУХЛИСЛАРДАН ХУРСАНДМИЗ

***Свердловск академик драма театрининг пойтахтимиздаги Рус академик драма театрида ўтган гастроллари ҳар қандай ижодий сафар театр санъати ихлосмандлари учун катта воқеа эканини яна бир карра исботлади. Ураллиқлар намойиш этган еттита спектакл мутахассислар ва томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.***

***Театр бош режиссёри, Россия санъат арбоби Владимир Рубановга дастлабки саволимиз сафар таассуротлари ҳақида бўлди.***

— Биз Тошкентнинг жуда кўп диққатга сазовор жойларини кўриб улгурдик. Бунинг учун ҳамкасбларимиздан миннатдормиз. Шахсан мен шаҳрингизда илгари бошқа театрлар билан бирга икки марта бўлганман.

Пойтахтлик мухлислар ва меҳмонлар бизни жуда самимий кутиб олишди. Назаримда, таътилдан сўнг ўтказган тинимсиз репетицияларимиз ўз самарасини берди, спектаклларимиз ихлосмандларга маъқул бўлди.

**— Чорак асрдан буён свердловскликлар бизнинг саҳнамизга чиқишмаганди. Постановкаларингиздан кўриниб турибдики, сизнинг мактабингиз бошқача, ўзига хос.**

— Мен Петербург театр мактабининг таълимини олганман. Ўша ерда театр институтини битирганман ва бизга ўргатилган маълум анъаналарни сақлаб қолишга интиламан. Бугунги санъатда, хусусан театрда кечаётган мураккаб жараёнда ҳаммамиз ўзимиздан олдин бўлган ва ўзимиздаги барча яхши нарсаларни сақлаб қолишимиз керак.

**— Демак, бу элита — киборлар учун театр бўлар экан-да. Унда қолган томошабинлар юксак драматургиядан ажралиб қолмайдими? Нима, улар учун "талабга яраша" асарлар қўйишда давом этилаверадими?**

— Биласизми, талабга яраша асарларни ҳам қўйиш керак, замон талаби бу. Лекин бу спектакллар ҳар томонлама мукаммал бўлиши зарур. Энг асосийси, ҳар бир спектаклни имкон қадар яхши қўйишга ҳаракат қилиш керак. Биз тошкентликларга амалда театримиз юзи бўлган спектаклларимизни, бугунги репертуаримизни олиб келдик. Классик асарларга ҳам бемалол томошабин йиғяпмиз. Бу ерга Булгаков асарини олиб келмаганимизга ачиндик. Томошабинларингизнинг спектаклларимизга муносабатидан тушундикки, Булгаков асари бу ерда ҳам катта муваффақият қозонарди. Яқинда Лесковнинг "Макбет" асарини қўйдик, Островский доимо репертуаримизда. Хуллас, асосий мезонимиз — классика.



**— Репертуарингизда классика, хусусан, рус классикаси кўп эканлигининг гувоҳи бўлдик. Қандай фикрдасиз: ўтган асрлар классикаси бугунги томошабинга керакми, у буни тушунадими?**

— Классика фақат кераккина эмас, у ҳар бир театрнинг репертуарида бўлиши шарт. Бу мавзуда сизларнинг театрингиз режиссёри Владимир Шапиро билан суҳбатлашдим. Назаримда, муаммоларимиз бир хил, чунки маданий майдонимиз, йўналишлар деярли бир хил. Албатта, бугун ахборот воситалари ниҳоятда хилма-хил. Ёшларнинг, ҳатто катталарнинг ҳам интилишлари ўзгарди. Биз илгари романтикроқмидик-эй. Очиғи, бу яхши эдими ёки ёмон, ҳозир ўзим ҳам аниқ бир нарса деёлмайман. Хуллас, олдин бошқачароқ эдик, ҳозир эса бутунлай ўзгача. Ҳеч кимни чақириқлар билан алдаб бўлмайди.

Лекин санъат алоҳида бир тушунча. Бунда айёрлик кетмайди. Яшаётган давримизни тушунишимиз, қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишимиз, санъатни тақдим этишнинг бошқа шаклларини излашимиз керак. Муҳими шундаки, ҳозир ҳам классикага қизиқадиганлар бор. Агар залда томошабин кам бўлса, бу саҳнадагиларга ҳам, томошабинларга ҳам ёмон таъсир қилади. Шунинг учун, менимча, классикани кичик саҳнада намойиш этиш керак.

**— Театрингизнинг 75 йиллик тарихи давомида ўзбек классикасидан бирорта асар қўйганмисизлар?**

— Ёлғон гапириб нима қиламан, ўзбек драматургиясини яхши билмайман. Лекин, у ниҳоятда бой эканидан хабарим бор. Афсуски, шахсан ўзим бирор ўзбек асарини қўймаганман. Ким айбдорлигини билмайману, лекин бу ўйлашга арзийдиган жиддий масала.

**— Бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бирига — нутқ масаласига тааллуқли саволим бор эди. Актёрларингизнинг нутқи ниҳоятда яхши экан. Театрингизда нутқ бўйича педагоглар борми?**

— Афсуски, йўқ. Нутқ биринчи галдаги муаммо. Агар актёр истаса, шевани бемалол йўқотиш мумкин. Лекин матн устида ишлаш, овозни йўлга қўйиш энг масъулиятли ва бажарилиши мушкул вазифалардир. Шундай бўлса-да, биз театрчилар некбин одамлармиз, ҳаммаси яхши бўлишига ишонамиз.

Яна кўп марта бу ерга келишни, ҳамкасбларимизнинг ишлари билан яқиндан танишишни истаб қоламиз. Чунки бу гал имкониятимиз бўлмади.

Сизларни Уралда кутиб қоламиз. Яна ўзбек тупроғида кўришгунча хайр.

**Флора ФАХРУДДИНОВА**
**суҳбатлашди.**

## МУТОЛАА БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" роман-дилогиясига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига лойиқ кўрилган мазкур асарга бағишланган мутолаа байрамида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, таниқли адабиётшунос олимлар Н.Каримов, С.Мирвалиев, П.Шермуҳамедов, Қ.Йўлдошев, А.Алимбеков, И.Ёқубов ва бошқалар улуғ Соҳибқирон ҳаёти ва бунёдкорлик фаолиятига бағишланган ушбу тарихий романларнинг яратилиши, муаллиф маҳорати ҳақида сўз юритдилар.

Нотиқлар роман-дилогияда халқимизнинг ўтмиш тарихи кенг қамровда ёритилганлиги, бадиий тасвирнинг ўзига хослиги, тарихий шахсларни жонлантиришда ёзувчи масъулиятига батафсил муносабат билдирдилар.

Тадбир муносабати билан кутубхонада адиб ижодига бағишланган кўргазма ташкил қилиниб, унда Муҳаммад Алининг шеърий ва насрий китоблари намойиш этилди.

## КАСБИНИНГ МУНАВВАР ТОНГЛАРИ

*Кузъ дафтари*

### Серфайз далалар

Ўзбекистон кузининг гўзаллигига қиёс йўқ. Сулув келиндай нозланиб "бир пари фаслнинг оғушида" яшнаб ётган далалар, мевасидан бол томган боғлар, оппоқ хирмонлардан кўкси "олтин"га тўлаётган кенгликлар бободеҳқоннинг шоён ғурури бўлиб туюлади.

Тийрамоҳнинг бундай тенгсиз манзаралари армонли шоирнинг ўтлиғ мисраларини ёдга солади:

**Сенинг жаннат водийларингдан**
**Наҳрлардай тўлуб оқурман.**

Ватан бахти учун "дарё каби уйғоқ ўтурман", дея ҳайқирган гўзаллик куйчиси бугунги истиқлол шукуҳидан мунаввар тонгларимизга етганда унинг ҳар лаҳзасию ҳар бир кентига достонлар бағишлаган бўларди.

Касбининг уфққа қадар ястаниб ётган серҳосил пахта далаларига назар соларканмиз, хаёлимизни шу ўйлар забт этади. Бу туман Қашқа воҳасининг одамлар интеллектуал салоҳияти юксак даражада намоён бўлган ҳудудларидан бири. Касбиликларнинг турмуш тарзию ўтмиш обидалари ва зиёратгоҳларга муносабатида ҳам ана шу жиҳат яққол кўзга ташланиб турибди. Улар муқаддас қадамжоларни обод қилиб, азалдан мусулмонлик эътиқодини қалб гавҳаридек эъзозлаб келаётган кўнгли беғубор инсонлардир.

Бу йил туман далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Сентябрнинг биринчи ўн кунлигидаёқ ўнлаб касбилик фермерлар "оқ олтин" карвонларини кетма-кет хирмонларга йўллаб, давлатга хомашё сотиш бўйича шартнома режаларини уддалаб қўйдилар. Касби пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Шоди Даминовнинг айтишича, комилонлик Абдуазиз бобо Йўлдошев ва Ражабхон бобо Турсунов, талишбелик Норқул Ҳайдаров ва Ўрин Бобоёров, "Темур Малик" машина-трактор парки ҳудудидан Назарбек Туробов, "Қашқадарё" МТП ҳудудидан Санжар Чўлиев, "Пахтакор"дан Ҳиммат момо Рўзиқуловалар ҳар гектар ердан ўттиз – ўттиз икки центнердан ошириб ҳосил териб топшириб, туманнинг дастлабки пахта хирмонларини кўкка бўй чўздирдилар.

Сайидо Насафий номли МТП ҳудудидаги фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Рашидовнинг 36 гектар пахта майдони бор. Ғўзанинг "Бухоро-6" навини эккан фермер кўкламнинг бошиданоқ ҳар гектар майдонда 80-85 минг туп кўчат бўлишини таъминлади. Ҳар туп ғўзада эса ўртача 7-8 тадан бўлиқ кўсак етилиши учун парвариш жараёнига алоҳида аҳамият берилди. Ҳар гектардан 29 центнер ҳосил олишни мўлжаллаган фермер бугун чаноқларда етилган ҳосилнинг тош босишига қараб режа бўйича 101 тонна ўрнига 129 тонна ҳосил олиш мумкинлигини хомчўт қилмоқда. Агар терим намунали ташкил этилса, исрофгарчиликка йўл қўйилмаса, натижа бу мўлжалдан ҳам ошиши мумкин. Шунинг учун ҳозир Баҳодир Рашидов иккинчи теримни ҳам тугалламоқда.

**Давоми иккинчи бетда.**



## МУХТОР АВЕЗОВ НОМЛИ ТЕАТР ТОШКЕНТДА

Мухтор Авезов номидаги Қозоғистон давлат академик драма театрининг пойтахтимиздаги ижодий сафари М.Авезов қаламига мансуб "Ой ва Чўлпон" мусиқали комедияси билан бошланди.

Ўзбек Миллий академик театрига йиғилган пойтахтимиз театр жамоатчилиги намояндалари, саҳна санъати мухлислари, ижодкорлар қозоғистонлик санъаткорларни қизғин олқишладилар. "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев Мухтор Авезов номидаги машҳур академик театр санъаткорларини қутлаб, ўзбек томошабинлари билан бўладиган навбатдаги ижодий учрашув ва мулоқотларга муваффақият тилади. Машҳур кино ва театр актёри, Қозоғистон халқ артисти, профессор Асанали Ашимов ва бошқа санъаткорлар ўзбек театр санъати мухлислари билан бўладиган бу учрашув яна бир ижодий имтиҳон эканини айтиб, ҳар икки халқ санъаткорларининг ҳамкорлиги азалий дўстлик ва қардошлик ришталари янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшади, деб таъкидладилар.

Шундан сўнг қозоғистонлик саҳна усталари Мухтор Авезов асари асосидаги "Ой ва Чўлпон" мусиқали комедиясини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Қозоғистон халқ артисти, профессор Е.Обаев томонидан саҳналаштирилган комедиядаги асосий ролларни таниқли актёрлар Д.Темирсултонова, З.Кўпжасарова, Т.Аралбой ва бошқа истеъдодли ижодкорлар ижро этдилар.

Пойтахт театр санъати мухлислари Миллий театримиз саҳнасида 7 октябрга қадар М. Авезов номидаги театрнинг Эркин Воҳидов асари асосидаги "Қудалар", Г.Гауптманнинг "Оқшомдаги муҳаббат" ҳамда "Лўлилар серенадаси" каби пиесаларини томоша қиладилар.

БУГУНГИ СОНДА:

3 — ЁНҒОҚ БОҚДИНГ СЎНГГИ ЯПРОҚДАН
4 — ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ
5 — "ҲАЛИ ИШИМ БИТГАНИ ЙЎҚ..."

## МАЪРИФАТНИНГ "ЗАЙНАБ"И



## ЭҲТИРОМ

Машҳур ҳофиз, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ҳаёт бўлганида шу кунларда 90 ёшга тўлган бўларди. Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти маркази, Хоразм вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Шовот туманида атоқли санъаткорни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди. Юбилей муносабати билан тумандаги Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳофиз ҳайкалининг очилиш маросими бўлди. Асосий тадбирлар санъаткор номи билан боғлиқ мазкур боғ ўртасидаги сўлим оромгоҳда бўлиб ўтди. Тўққиз вилоятдан келган қирқдан ошиқ турли ёшдаги хонандалар "Комилжон Отаниёзов қўшиқларининг энг яхши ижрочиси" кўрик-фестивалида устоз санъаткор ижро қилган "Сувора", "Феруз", "Сегоҳ" йўлидаги мумтоз қўшиқлардан ижро этдилар.

Биринчи ўрин хоразмлик Ҳурмат Оллоёровга насиб этди. Мирзобек Бобожонов, Набижон Худойберганов (Хоразм), Бахтиёр Эшниёзов (Қорақалпоғистон)лар иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Бухоролик Соҳибжон Абдуллаев, хоразмлик Бобуржон Фахриддиновлар учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Кўрик-фестивалда фаол иштирок этган Раҳматжон Худойқулов, Бекмурод Хайратдинов, Ислом Бобожонов, Турсунбой Абдуллаев, Султонбой Худойберганов, Қувондиқ Жуманиёзов, Отабек Бекмонов, ака-ука Аминовлар фахрий ёрлиқ ва совғалар билан мукофотландилар.

Ғолиблар ижросида концерт дастури намойиш этилди. Комилжон Отаниёзовнинг муносиб шогирдлари ва издошлари Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажоновлар дил сўзларини изҳор қилиб, янги қўшиқлари билан хотира тадбирига файз киритдилар.

**Абдулла САПОЕВ**

## Азиз муштарийлар!

**Севимли ҳафталигимиз — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га 2008 йил учун**

**обуна бошланди.**

Узоқ йиллик самарали ҳамкорлигимиз давом этишини истасангиз, обунани вақтида расмийлаштириб қўйишни унутманг!

Газетамиз изчил, мазмунли ва қизиқарли чиқиши сиз азиз газетхонларга ҳам боғлиқ. Бунинг учун уни йил давомида ўқишингиз, таклиф, фикр ва мулоҳазаларингизни таҳририятта ёзиб юборишингиз зарур.

**Обуна чекланмаган.**

*Нашр кўрсаткичимиз — 222*





# КАСБИНИНГ МУНАВВАР ТОНГЛАРИ



**Боши биринчи бетда.**

Ўзбекистон Қаҳрамони марҳум Ғайбулла Раҳмонов номидаги, Тўйчи Дониёров, Шавкат Турсунов, Раҳмат Примов раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликларининг деҳқонлари ҳам пахтадан юқори ҳосил олиб, кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Шавкат Турсунов 25 гектар майдонда “Бухоро-8”, 20 гектар майдонда эса “Андижон-1” уруғлик навлари етиштириб юз тоннадан ортиқ пахта топширди.

Туман фермерлари етиштирган мўл пахта ҳосилини тез фурсатларда уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишда терим отрядларининг ҳиссаси айниқса самарали бўлмоқда. Талишбедаги “Норқул Ҳайдаров” фермер хўжалигидан Заргул Бобоёрова, Мавлуда Шоймардонова, “Қашқадарё” МТП ҳудудининг “Санжар Чўлиев” фермер хўжалигидан Сора Ҳайдарова, Башорат Хўжамуродова, ““Темур Малик” МТП ҳудудидан Наргиза Мирризаева, Холбиби Эсонова, “Тўйчи Дониёров” фермер хўжалиги аъзоси Гулнора Дониёровалар 170-200 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Режаларини барвақт уддалаган фермерларнинг меҳнат ғалабалари, шунингдек, илғор теримчилар туман ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирланмоқда.

“Пахтакор” МТП ҳудудидаги йигирмадан ортиқ фермерлар теримнинг дастлабки кунлариданоқ режаларини уддалаган эдилар. Уларнинг далаларида биринчи терим пахтаси ўтган йилгига қараганда ўн центнердан ортиқ чиқди. “Қашқадарё”, “Ғалаба”, шунингдек Алишер Навоий ҳамда Ҳамза Хўжақулов номидаги МТПлар ҳудудида зироатчилик қилган фермерлар ўтган йили биринчи теримда ўн саккиз центнердан ҳосил олган бўлсалар бу йил бу миқдор 24-25 центнерни ташкил этди. Шу боис Ҳамза Хўжақулов номидаги МТП ҳудуди фермерлари бу йил ўтган йилгидан минг тонна кўп пахта топширишни ният қилишган. Бу эса бутун туманнинг ўртача пахта ҳосилдорлигини ўттиз центнердан ошириб, катта хирмон уйиш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Ҳозир туманда ҳар куни йиллик режанинг 3,8-4 фоизи миқдорида пахта тайёрланмоқда. Умумий кўрсаткич эса саксон фоизга етиб, жами йиғиб-териб олинган ҳосил олтмиш минг тоннадан ошиб кетди.

### Сардобалар очиқ музейга айланади

Касби йўлларидан ўтганингизда ҳар ёнда тўкинчиликнинг гувоҳи бўласиз. Фақат пахта ҳосилигина эмас, олмаю беҳи, қовуну тарвуз, помидор-бодринг, ошқовоқ ва бошқа неъматларнинг ҳар қачонгидан мўллиги бу йилги куз янада баракали ва саховатга бой келганидан далолат беради.

Албатта, бундай маъмурчиликка ўз-ўзидан эришилмайди. Касбиликларнинг фидойи меҳнати яратган бу гўзалликларнинг сири ҳақида ўйлаганда, аввало, шуни айтиш керакки, Касбининг муаззам сардобалари, кулолчилик мўъжизаларини яратган қўли гул халқи боғу бодомзорлар, узумзорлар довруғини ёйишда ҳам моҳир ва миришкордир. Яқинда ана шу уста зироатчилар, Касбининг фаол оқсоқоллари йиғилишиб юрт ободончилигига доир бунёдкорлик ишларини янада жонлантириш ҳақида фикрлашдилар. Султон Мирҳайдар зиёратгоҳини таъмирлаш ва унинг атрофидаги сардобалар жойлашган тарихий ҳудудни обод қилиб қайта қуриш юзасидан тайёрланган лойиҳани амалга оширишга қарор қилинди. Бунинг учун имкониятлар етарли, фақат зиёратгоҳ ва меъморий обидаларни қадимшунослар, кўҳна хаттотлик сир-асрорларидан хабардор олимларнинг яна бир назаридан ўтказиш зарурлиги айтилди. Айниқса, сардобалар атрофини обод қилиб, очиқ музейга айлантиришга доир таклифлар кўпчиликка маъқул бўлди. Маълумки, Касби қадимдан юртимизнинг моҳир кулоллари яшаб келаётган ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли Бухоро ва Марғилон шаҳарларидаги каби бу очиқ музейда аждодлар санъатини бугунги кунларгача авайлаб-асраб давом эттириб келаётган уста кулолларга, гиламдўз ва каштачиларга, ҳунармандликнинг бошқа соҳалари вакилларига махсус жойлар ажратилса, бу ерга хорижий сайёҳлар ва экотуризм ишқибозларини жалб этиш мумкин бўлади. Туман марказидаги тарих ва ўлкашунослик музейи ҳамда одамларнинг шахсий коллекцияларидаги ноёб осори-атиқаларни вақти-вақти билан шу очиқ музейда намойиш этиб туриш ҳам одамларда она юрт ўтмиши, миллий қадриятларимизга меҳр уйғотади, ёшларимиз қалбида Ватан туйғусини камол топтиради.

Бу таклиф деҳқончиликни санъат даражасига кўтараётган касбилик фермерлар томонидан ҳам қизғин маъқулланди. Улар: “Биз ҳам қараб турмаймиз, юрт равнақи, осори-атиқаларимиз, қадриятларимиз эъзози учун қўлимиздан келган ҳимматимизни аямаймиз”, дейишди.

Зироатчиликнинг замонавий усулларини муваффақиятли қўллаб, дастлабки йилларданоқ яхши даромадга эга бўла бошлаган фермерларнинг техника билан қуролланиш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. Кўпчилик фермерлар ўз ҳайдов ва чопиқ тракторлари, комбайнларига эга.

Техникадан, сув ва ўғитдан қийналмаган деҳқон-фермер яхши даромаднинг соҳиби бўлиши ҳаммага аён. Пахтадан юқори ҳосил олаётган деҳқонлар бугун далаларда етиштирилган ҳосил чўғини чамалаб, туман бўйича давлатга етмиш беш минг тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Хўш, ҳосил чўғи қандай чамаланади? Ҳар гектар майдонда ўртача 80-90 минг тупдан ғўза ва унинг ҳар тупида еттидан етилган кўсак бўлса, улар 6-7,5 граммдан тош босганда ҳам ҳосил салмоғи гектар бошига ўттиз центнердан ошади.

— Агар ғўза мавсум мобайнида яхши парваришланиб, тўрт марта суғорилса, ҳар бир чаноқнинг толаси ўн грамдан тош босиши мумкин, — дейди туман ҳокими Фурқат Шарипов. — Бу эса катта кўрсаткич. Ҳар гектарнинг ҳосилдорлиги шунда бемалол қирқ центнердан ошиши мумкин.

Туманда қирқ ёки эллик центнергина эмас, олтмиш центнерга етказиб ҳосил олаётган фермерлар ҳам бор. Ўн гектар майдонга пахта эккан комилонлик “Абдулла Қаҳҳор ота” фермер хўжалиги аъзолари ана шундай уста миришкорлардан ҳисобланади. Ҳамза Хўжақулов номли МТП ҳудудидан “Хўжанов Шоҳсувор бобо” фермер хўжалиги ҳам муттасил қирқ центнердан ҳосил етиштиришга эришмоқда.

### Бир ёнда пахта, бир ёнда ғалла

Туман зироатчилиги асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Касбилик фермерлар бу йил 14,5 минг гектар ерга дон экиб, ишлаб чиқариш режасига кўра 56 центнердан ҳосил олдилар ва давлатга 41,4 минг тонна ғалла топширилди.

Айни кунларда ёзда шудгорланиб, текисланган далаларга, шунингдек ҳосили барвақт териб олинган пахтазорлар орасига кузги буғдой экилмоқда. Касбилик моҳир ғаллакор деҳқонларнинг айтишича, октябр ойининг биринчи ярмида ҳар гектар ерга 250-300 килограммдан уруғ сепиб, шу ойнинг ўзидаёқ ғалласини кўкартириб олган деҳқон ҳар жиҳатдан ютади. Шунда қишки совуқ кунларга қадар дон туп ёйиб улгуради ва баҳорда бегона ўтларнинг авж олишига имкон бермайди. Албатта, бир ёнда пахта терими қизғин бораётган паллада яна бир ёнда далани ғалла экишга тайёрлаш ва экиш жараёнларини оби-тобида ўтказиб олиш деҳқон-фермернинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшади. Бу пайтда техникаларнинг созлигию ёнилғи-мойлаш материалларини вақтида етказиб беришда ҳикмат кўп.

Касбиликлар азалий тажрибаларидан келиб чиқиб ушбу масъулиятли жараённи ҳам унутаётганлари йўқ. Пахта теримининг бугунгидай айни қизғин дамларида пахтасини эрта терган ғалласини ҳам эрта экиб олиши мумкинлигига эътибор қаратилмоқда. Ўн беш минг гектардан ортиқ далалар ғалла экишга ҳозирланмоқда. Эрта-индин ерига кузги буғдойни барвақт экиб кўкартирган деҳқонларимизга ҳам олқиш айтамиз.

Президент Ислом Каримовниннг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли” маърузаси туманнинг барча ҳудудларида меҳнаткашлар томонидан ўқилиб, қизғин муҳокама этилди. Маърузада мамлакатнинг ўн олти йиллик тараққиёт йўли ҳар жиҳатдан асосли таҳлил қилиниши баробарида юртимиз келажагининг бундан буёнги ойдин йўллари кўрсатиб берилгани, хусусан, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар жараёни кечаётгани, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқаётгани, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожлантирилиши ҳамда солиқ юкини камайтириш соҳасида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг давом эттирилиши, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиб беришга доир аниқ мақсад ва йўналишлар касбиликлар кучига куч қўшиб, истиқлолимиз самараларини янада мустаҳкамлаш жараёнига катта ҳисса қўшишга даъват этаётир. Шунинг учун ҳам тумандаги барча ижтимоий ва ишлаб чиқариш тузилмаларида фермерлар етиштирган мўл ҳосилни қисқа вақт ичида нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга кўмаклашиш, иқтисодий ва моддий манфаатдорлик механизмларидан унумли фойдаланиб, ишни пухта ташкил этиш, ғолиблар ва пешқадам теримчиларни ўз вақтида тақдирлаб боришга катта аҳамият берилмоқда.

### Ўзи гўзалу сўзи гўзал...

Касбининг меъморий обидалару кўҳна сардобалар ўзига хос қиёфа бахш этган тарихий манзаралари эндиликда истиқлолимиз шарофати билан қурилаётган янги мактаб ва коллежлар, стадиону спорт иншоотлари, тиббий муассасалар, фермерларнинг янги лойиҳадаги шийпонлари билан ҳам янада бойиб бормоқда. Ҳозир фермер хўжаликларига айлантирилган Алишер Навоий номидаги хўжаликнинг янги спорт-соғломлаштириш мажмуаси туман халқ таълими бошқармаси тасарруфига берилди. Қоратепа ва Майманоқ қишлоқларида эса яқинда катта спорт залларига эга бўлган янги мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Касби агросаноат касб-ҳунар коллежи реконструкция қилиниб, 520 ўринли иқтисодиёт коллежи янгидан қурилди. Эшқурбон Хоналиев, Амрулла Чориев ва бошқа кўплаб фермерлар ўзларининг далалари бошида замонавий лойиҳа асосида дала шийпонлари қуриб уларнинг атрофини боғларга буркашмоқда.

Иқтисодиётдаги ўзгаришларни фермерлар йил сайин кўпроқ сотиб ола бошлаган зироатчилик техникаларида ҳам кўриш мумкин. Мамлакат бўйича лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаларини энг кўп харид қилган фермерлар ҳам касбиликлардир. Биргина ўтган йили 25 та ВТ-150 ҳайдов тракторлари сотиб олинди. Унинг ўн биттаси Муғлон МТП томонидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, NX тракторлари, “Класс” типидаги хорижий комбайнларни харид қилган фермерлар сафи ҳам ўндан ошиб кетди.

Булар шубҳасиз туман иқтисодиёти мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ғалла етиштиришдан салкам ўн миллиард даромад кўрилган бўлса, унинг 3,16 миллиардини соф фойда ташкил этади. Пахтадан эса жами 39 миллиард даромад олиб, соф фойда салмоғини 17 миллиард сўмга, рентабеллик даражасини эса 61 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан туманда мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган оилаларга тўрт юзга яқин сигир-бузоқ, 120 бош қўй-эчки, тўрт минг парранда, 270 тикув машинаси тарқатилди, икки минг кишига эса эллик минг сўмдан пул берилди...

* * *

“Касби” сўзи моҳиятан ўз иши, ҳунарини улуғлаган, уни санъат даражасига кўтара олган одамларни англатади. Бу номни улуғлаган қўли гул кулоллару уста каштачилар санъатидагина эмас, пахта, ғалла ва боғ яратиш каби зироатчиликнинг барча соҳаларида ҳам касбиликларнинг ўз ерига, элига муҳаббати, деҳқончилик илмини эъзоз этиши, тажрибакорлиги, фидойи меҳнат билан тошда гул ундира олишга қодирлиги тўла акс этиб турибди. Ўзи гўзал, сўзи гўзал, иши ва ижоди гўзал одамларнинг ёниқ қалби улар етиштирган мўл ҳосилда, “оқ олтин” хирмонларининг тобора юксалиб бораётганида ҳам намоёндир.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

*СУРАТЛАРДА: “Ҳасанов Жалил бобо” фермер хўжалиги раҳбари И.Норбобоев ўғиллари Исроил ва Ёмғир билан бирга (1-бетда); илғор теримчи Гулнора Дониёрова; фермер Ғолиб Раҳмонов.*

**Шомурод ШАРОПОВ (УзА) олган суратлар.**

# ГЎЗАЛЛИК АСЛ БЎЛСИН

*Муҳокама учун мавзу*

Гўзаллик ҳамма вақт миллийлик билан боғланган. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланган ўз генотипи (жисмоний қиёфаси) борки, шу асосда аёл гўзаллигининг мукаммал шакли тасаввур қилинади ва унга қиёслаб аёлларга эстетик баҳо берилади. Шу сабабли турли халқларда аёл гўзаллиги ҳақидаги тасаввурлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, русларда новча, оқ танли, оч малла сочли, йирик мовий кўзли аёл гўзал ҳисобланса, украинларда гавдали, қора соч, қора кўзли, оқ танли, қирмизи юзли аёл сулув дейилади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, биз ўзбеклар азалдан бўйчан, буғдойранг, чўзинчоқ қирмизи юзли, қорасоч, қора қошли, йирик кўзли бўлганмиз. Классик шеъриятимиз, миллий тасвирий санъатимиз, ҳайкалтарошлигимиз намуналари ҳам фикримизга далил бўла олади. Шунга кўра, бизда аёл гўзаллиги деганда ана шу сифатлар мужассамлиги назарда тутилади.

Аёлнинг олий гўзаллиги оналикдир. Айни оналик аёлни жисмонан ва руҳан янгилайди, унга етуклик, мукаммаллик бахш этади. Она бўлган аёл жисми росмана шакл касб этади, унинг маънавий қиёфаси қарор топади. Оилали, фарзандли талабалар орасида ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айнан оналик бахтига эришган аёл ҳам маънавий, ҳам психологик жиҳатдан балоғатга етади. Унинг дунёқараши тубдан ўзгаради, у миллат, инсоният бунёдкорига айланади. Она бўлган аёлда мутлақо янги ахлоқий фазилатлар: онани қадрлаш, фарзандга, умр йўлдошига, ўз яқинларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, сахийлик, оилага садоқат, масъулият, фидоийлик ва бошқа фазилатлар шаклланади. Фарзанд кўрган аёлда бахтиёрлик, хушчақчақлик, мулоҳазалилик, руҳий хотиржамлик, зийраклик, турмушга жиддий муносабат пайдо бўлади, ҳаётга қизиқиш ортади. Бу хислатлар аёл гўзаллигига гўзаллик қўшади, уни янада гулгун ва нурафшон қилади. Оналик бахтига эришган аёлнинг жисмоний ва маънавий гўзаллиги машҳур мусаввирларимиз Раҳим Аҳмедовнинг “Она меҳри”, Лайло Салимжонованинг “Оналик” асарларида жуда чиройли, теран тасвирланган.

Аёлнинг гўзалликка интилиши унинг оналик хусусиятларидан келиб чиқадиган туғма фазилатдир. Лекин бу интилиш асл, табиий гўзалликка йўналган бўлмоғи лозим. Ўзгаларга тақлид — модапарастлик ҳеч қачон гўзаллик бўла олмайди. Чунки кўр-кўрона тақлид юзаки ҳою-ҳавасдан бошқа ҳеч нарса эмас. Аёл гўзаллиги унинг жисмонан ва руҳан ўзига хосилигида, ҳеч кимга ўхшамаслигида кўринади. Ялпи мода эса аёлдаги индивидуалликни йўққа чиқаради. Биздаги аёллар либослари европача услубга тақлидан тикилади. Миллий руҳиятимизга, урф-одатларимизга, иқлим шароитимизга мос миллий либосларни топиш жуда қийин. Сабаби, бугунги модасозларимизнинг кўпчилиги Европа модаси таъсирида. Улар миллий тарихимизни, анъаналаримизни яхши билишмайди. Оқибатда эса, келинларимиз модадан ортда қолмаслик учун тўй куни



елкаси очиқ либосда юришади. Телевидение ва рангли журналлар зўр бериб Европа модасини тарғиб қилади. Эстрада ва кинодаги “юлдузларимиз”нинг ҳаммаси европача услубда кийинишади. Улардан ўрнак олаётган хотин-қизларимиз кўчада ҳам, уйда ҳам тор шиму калта юбка кийишга одатланишмоқда.

Лекин айни пайтда ўқимишли ёшлар орасида миллий услубдаги замонавий либосларга мойиллик кучаяётир. Чунончи, Европа модасидан яхши хабардор куёвлар келинни жамоатга кўз-кўз қилишни хоҳламай, никоҳ тўйини анъанавий шаклда ўтказмоқдалар. Талаба қизларимиз орасида ҳам миллий либосга ўтиш кенг тарқамоқда. Аммо замонавийликдан қочиб паранжига бурканиш ҳам тўғри эмас. Негадир, кейинги пайтларда, жамоат жойларида, кўча-кўйда бошдан оёқ қора либосга бурканган қиз-жувонлар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бу ҳол миллий урф-одатларимизга ҳам, диний тасаввурларимизга ҳам мос келмайди.

Ўзгалар услубига тақлид қилиш миллий онг заифлиги белгисидир. Миллий маънавиятини эъзозлаган, умуминсоний қадриятларидан тўғри хулоса чиқарган кишигина ўзлигини сақлаб қолади. Замонавий японлар ва корейслар ўз кимоноларини унутганлари йўқ, ҳинд аёллари жамоат жойларида ҳам сарида юрадилар. Миллий либос миллатни бирлаштириб турувчи кучли воситалардан биридир.

Аёлларимиз гўзаллиги миллатимизнинг улкан маънавий бойлигидир. Аёл — миллат тарбиячиси. Бинобарин, аёли гўзал, юксак маънавиятли миллатгина ривож топади. Аёл гўзаллиги турмушда, оила аҳиллигида, фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга. Чунки гўзал онадан гўзал фарзандлар дунёга келади. Шундай экан, аёл гўзаллигини қадрлаш, асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мода эса танани кўз-кўз қилишга эмас, уни эҳтиёт қилиш, ҳимоялашга йўналтирилган бўлмоғи лозим. Миллий либосларимиз ўзбек аёлига хос иффат ва назокат рамзига айланиши керак.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, жамиятимиз маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, бойитиш, уларни ёшлар қалбига, турмушига сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Ўринбой ТОШТЕМИРОВ,**
**Рашидхон ШУКУРОВ,**
**Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчилари**

# ПОЛША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

Бугун биз кўпқиррали турмушимизнинг турли маҳсулотларини намойиш этувчи ҳар хил кўргазмалар, вернисажларга ўрганиб қолдик. Бугун Экспомарказда ўз ишини якунлаган Полша миллий кўргазмасини ҳам вернисаж дейиш мумкин.

— Бу кўргазмамиз Ўзбекистонда, аниқроғи, Тошкентда иккинчи марта ўтяпти. Биз учун унинг амалий аҳамияти жуда катта. Кўпроқ шартномалар тузишни, Ўзбекистон ва бу ҳудудга яқин мамлакатлар тадбиркорларини жалб этиш, поляк маданиятини кенг тарғиб қилишни ният қилганмиз. Зеро, маданият кенг тушунча, — дейди Полшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Марек Пионтек. — Кўргазмаларда инсон фаолияти самараларини жимгина кузатиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Полша миллий кўргазмасига келган ҳар бир одам ўзига керакли нарсани топди, деб ўйлайман. Полшада ишланган косметика маҳсулотлари эса ўзбек аёлларини асло бефарқ қолдирмайди.Чунки ҳар бир маҳсулотга бадиий нуқтаи назардан ёндашилган, дизайнига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон ва Полша ўртасидаги алоқалар ривожланиб бормоқда. Иккинчи марта ўтказилаётган Полша миллий кўргазмаси бунинг далилидир.

**Ф.ФАХРУДДИНОВА**

# ЗАМОННИНГ ТОЗА ҲАВОСИ

***Davralarда ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни, янгиликларни бир-бирига суюнчи тилагандай гапириб бераётган одамлар суҳбатида “илгари-чи, илгари”, деган савол аралаш армон ҳам эшитилиб қолади.***

“Илгари қандай бўлган эди, ҳозир қандай?” деган саволни ҳар ким ҳар куни ўзига беравермайди. Ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари инсонни ўзидан орттирмай қўйган. Лекин ўша кунлар захмини елкасида синаб кўрганлар ҳар қадамида шукроналикни дилга тугиб юрса ажабмас.

Мирдавлат ака ҳам шукронаси бор одам. Оддий бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганда янги уйининг ғиштини санаб кетишган, ўғлига суннат тўйи қилганда ишдан бўшатишган, онасини сўнгги йўлга кузатишаётганда мулла топиб жаноза ўқитгани учун маҳаллада муҳокама бўлган. Йўқ, у партия аъзоси бўлмаган, фақат кичкина "амалдор" бўлган, холос. Уни ҳар койишганда, ҳақорат қилишганда "совет давлати сенга амал бериб қўйибди, нега ҳаддингдан ошасан" дея зуғум қилишган.

Шунинг учун ҳам Мирдавлат ака бугунги замоннинг тоза ҳавосидан яйрайди. Бошидан ўтганларни болаларига гапириб берса, уларнинг ҳайратлари ошаверади. "Ия, уйимизнинг ғиштини нега санайди, нега тўй қилса қамайди?.." Хуллас уларни ишонтириш осон эмас.

— Менинг бошимга тушган савдолар қўшнимники олдида ҳолва эди, — дейди Мирдавлат ака ўша кунларни эслаб. — Ҳовлисидаги 15 сотих жойга ерёнғоқ экиб, учтўртта уддабурон билан ҳосилини Томск деган шаҳарга бориб сотишган. Бозорда уларни милиция ходимлари ушлаб "сен ўзбек савдогар" деб қўлига кишан солиб қамаб қўйишган.

Эсимда, бир куни қўшнимнинг ҳовлиси қий-чув бўлиб кетди, чиқсам милиция ходимлари чордоққа чиқиб, ерёнғоқ поясини санашаётган экан, ё тавба... Қўшним қўлида кишан билан ҳовли ўртасида турибди. Ёнига ё болаларини, ё яқинларини йўлатади, денг. Шу одам уч йил Сибирда ўтириб келди, орадан кўп ўтмай оламдан ўтиб кетди...

Инсон қалбини ларзага соладиган бундай таҳқирли воқеалар ҳар қадамда учрарди. Ҳа, илгарилари шундай эди.

Яқинда бир воқеани эшитиб, эски замоннинг таъсири нақадар чуқур бўлганига амин бўлдим.

"Давр-диёр" фермер хўжалиги раҳбари Суннатилла Ўсаров давлат режасини бажариб, аъзоларига 2-3 тоннадан ғалла бериб, қолган 20 тонна донни ҳовлисига туширибди. Иттифоқо эртаси куни уйига онасининг энг яқин дугоналаридан бири, 86 ёшли Саври хола эгачисини кўргани келибди. Ҳовлига тўкилган донни кўриб, "давлат индамайдими, болам, шунча донни уйингга тўкиб қўйибсан", деб хирмон ёнидан хавотир билан ўтиб, уйга кирибди.

Ярим соат ҳам ўтмай у қайтишга чоғланибди, шунча "ўтиринг, ош қиламиз ё шўрва ичиб кетасиз" дейишса ҳам кўнмабди. Айтган гапи шу бўлибди: "Уйларингиз сал бесаранжом экан, эгачи, тинчиса келарман..."

Суннатилла аканинг онаси Саври хола кетгач гапириб берибди: Савринисонинг онаси болаларини боқаман деб буғдойзорга машоққа боради. Халтаси донга тўлганда от минган бригадир келиб, боши-юзи демай қамчи билан ураверган. Бир тўрвага донни чангаллаган бечора аёл ўша жойда жон берган экан. Ҳа, илгарилари шундай бўлган эди.

Davralarда "илгари-чи, илгари" деган гапларни ўртадан кимдир қушдай учириб юборади. "Э, бугундан гапиринг, бугундан..."

Бугундан гапириш керак, кўпроқ гапириш керак, чамамда. Атрофингга қараб юрсанг кўпчилик бехабардай, кўпчилик бефарқдай. Йўқ, таъриф сал бошқачароқ. Менимча, ҳамма ўзгариш ўз-ўзидан бўлаяпти деган тушунча билан яшаётганлар ҳам бор. Ўз-ўзидан бўладиган нарса йўқ, дунёда. Келинг, ҳамманинг кўзини яшнатиб юборган мактаблар ҳақида гаплашайлик. Биргина мисол. Ўрта Чирчиқ туманида 70 дан ортиқ мактаб бор. Ҳар йили 10-12 мактаб қайта таъмирланмоқда, қурилмоқда. Бу йил эса 13 мактаб таъмирланди, шунга 2 миллиард 876 миллион, — салкам 3 миллиард пул сарфланди. Э, биродарлар, бу чакана пул эмас, ахир. Бундай гўзал бинолар кўримсиз қишлоқлар жамолини очиб юборди, одамлар юрагида иштиёқ қўзғотди.



Эвалек қишлоғида яшовчи маҳалла оқсоқоли шундай дейди:

— Янги мактабнинг очилишидан қайта туриб ҳамқишлоқлар бир-биримизнинг кўзимизга қарай олмаймиз, денг. Кимнингдир эшиги олдида шағал, тупроқ, кимнингдир девори қулаган, ариқлар чопилмаган, хуллас, ҳаммаёқ бетартиб... Яшнаб турган мактаб олдидаги бу ҳолат ҳаммамизни эртаси куни ҳашарга отлантирди. Дарахтлар оқланиб, кўчалар тозаланиб, деворлар тикланиб, ўзимиз ҳам енгил тортиб қолдик. "Мактаб қишлоғимизга маданият ҳам олиб келди", деб кулиб юрибмиз.

Ҳақ гап. Жойларда очилаётган ҳар қандай кўркам бино одамлар онгига ўз таъсирни кўрсатади. Замон нафаси юракларни гуллатади.

Мактаб очилишида сўзга чиққан бир қария ҳамманинг дилидагини айтди:

— Болаларимизнинг келажагини ўйлаб шундай савоб ишларга қўл урган Президентимизга раҳмат. Энди бу савобни давом эттириш керак, болаларим. Аввало шундай чиройли мактабда аъло ўқиш керак, яхши бола бўлинг. Кейин эса мактабни кўз қорачиғидек асранг, унинг ҳар бир ғиштида ота-оналарингиз пешона терлари, Юртбошининг сизларга бўлган буюк ҳурмати ётибди. Ҳурматни эса бошга кўтариб яшаш керак!

Бугундан гапириш керак. Кечани теранроқ англамоқ учун, бугундан гапириш керак. Англамаганлар англаши керак, билмаганлар билиши керак...

Бу оилани анчадан буён биламан. Ота оламдан ўтгач, хонадондан файз кетди, барака учди, дастурхон бўшаб қолди. Тирикчилик учма-уч ўтаверди. Катта ўғил онасининг қанотига кириб, ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураверди. Касб ўрганишдан чарчамади, ишбилармон одамларнинг орқасидан қолмади, бир сўмни бир сўмга чақди. Ишонасизми, ҳозир шу оиланинг 2 та тегирмони, токарлик станоги ва битта дўкони бор, пул айланиб ётибди. Хўш, унинг иши бундай ривожланиб кетишига нима сабаб бўлди?

Биринчидан, тадбиркорнинг куни туғди, ҳамма эшик очиқ. Иш қиламан десанг, ҳужжатларингни жойига қўйиб, завод қурмайсанми, чет элдан технология олиб келмайсанми, марҳамат, ким йўлингни тўсаяпти? Ҳамма сени қўллаб-қувватласа...

*Иккинчидан, мустақиллик ақли*ни ишлатганни яхши кўради. Иқтидорингни, истеъдодингни, ишбилармонлигингни уйғот, танангда бу хислатлар бор. Улар боболаримиздан мерос қолган. Мана шу икки сабаб туфайли илгаридан фарқ қиламиз — бу бизнинг бугунимиз.

Эртамиз-чи, эртамиз — эртамиз қандай бўлади? Бунга жавобни ҳам давралардан, одамлардан оласиз. Жуда жўн, жайдари гап: "Худо хоҳласа, зўр бўлади!"

Эл бирон гапни бекорга айтмайди, эл ўзига ишониб айтади.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ**

# ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ

**Ғаффор ҲОТАМОВ**

## Ойдин соната

*Раббим, бандаларинг бунчалар сенга, заминдаги ва кўкдаги нурга, ойдинликка талпиниб яшайди?!*

*Шу муштоқлик, шу интилиш бўлмаганида, олам бунчалар чирой ва тароват касб этмаган бўлар эди.*

*— Фозилу фузало қоронғида адашиб юрган башариятнинг йўлидаги ёруғ машъалдур! — дейди Улуғбек ўғли Абдулатифга.*

*Шуниси ажабланарлики, ана шундай зотларнинг ўзлари ҳам нурга, зиёга интилиб ўтади.*

*Кўнгли ярим бўлган Бетховеннинг мусиқага ошуфталиги-ю, ҳатто тун оғушидан саросар куй ахтаришини бир эсга олинг!*

*У инсоний ёлғизликни оҳанг ва наво билан тўлдирмоқ истайди.*

*Мумтоз наволар ҳам она алласи янглиғ улуғ ва мўътабардир. У руҳни аллалаб, туйғуларни чайиб ўтади, тафаккур уфқларини ёритиб юборади. Одам боласи уни кўз билан илғай олмайди. У нур янглиғ ва оҳанглар сочаётган ҳикматдир.*

*Ва ундан инсонга яхшилик етади.*

— Шунинг учун ҳам улкан санъаткор ҳақида ёзиш жуда қийин, — дейди Одил Ёқубов, сўнг бошини орқага ташлаб хиёл кўзларини юмади ва ўйга толади. — Қирқ тўққизинчи йилнинг авжи баҳори. Тўрт йил Узоқ Шарқда хизмат қилиб, таътилга чиқиб, қишлоққа келаяпман. Шундай вақтда одам униб-ўсган жойининг қадрини билар экан!

Киндик қоним томган, болалигим ўтган кўчалар кўзимга оловдек бўлиб кўринади, бепоён қирадирларга қараб кўзим тўймайди, куй-қўшиққа юрак ташна бўлиб кетган.

Бир ҳафта қишлоқда тургач, сал чанқоғим босилди, кейин Тошкентга йўл олдим.

Тошкентда, институтда ўқиётган ҳамқишлоқларим шаҳар марказидаги кошонада бўлаётган катта концертга олиб боришди.

Ўшанда ҳар бир куй ва ҳар бир қўшиқни бутун вужудим билан тинглаганман. Нимага десангиз, индин яна Узоқ Шарққа қайтиб кетаман. Яна бундай куй-қўшиқлар эшитиш қачон насиб этади, Худо билади.



Шу ўй билан ўтирсам, бир маҳал бошловчи: "Мукаррама Турғунбоева "Тановар" рақсини ижро этади", деб қолди. Шундай олқиш янградики, залнинг деворлари зириллаб, томи кўчиб кетай деди. Ва, ниҳоят, қарсаклар тиниб, саҳнага машшоқлар чиқиб келишди. Кейин бирдан жимлик чўкди, пашша учса эшитиладиган даражада, ундан сўнг сокин ва баҳайбат зал узра она алласи каби қонқонимизга сингиб кетган мунис ва дилрабо куй таралди...

"Тановар" менинг энг севган куйим. Бу куйни қайта-қайта эшитишдан чарчамайман. Айниқса, ўшанда, эҳтимол соғинганим учундир, бу мунгли наво жисму жонимни ўртаб, оёқларимнинг учига довур жимирлатиб юборган.

Сел бўлиб, саҳнага термулиб ўтирибман. Ниҳоят, ҳарир парда ортидан Мукаррамахоним чиқиб келдилар...

Худди бировдан уялгандай, нозик ва чиройли қўли билан хиёл юзини тўсиб, бир-бир босиб, оҳиста чиқиб келдилар...

Ҳали ёш. Кўҳлик маҳали...

Атлас кўйлак устидан беқасам тўн кийиб олган, дуррачани қия боғланган, куйнинг таъкидига мос равишда нозик бармоқлари чарс-чарс тортилади ва шунда тилла узуклар оловдек ловуллаб ёнади.

Раққосанинг рақси ҳам куйнинг ўзидай ғамгин ва шикаста, лекин бу ҳазинликда қандайдир мунислик, кўнгилга яқинлик ва мислсиз бир тароват борки, буни сўз билан ифода этиш қийин, юрак-бағрингни ўртаб, эзгин бир кайфият қўзғовчи илоҳий ҳол бор...

Ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг мумтоз санъатида, айниқса, мусиқа ва рақс санъатида мана шундай изоҳлаш жуда қийин бўлган, ақлзаковат билан эмас, балки қалб билан идрок этиладиган, ҳис этиладиган илоҳий бир ҳикмат ва нафосат мужассам бўлади. Унда шу халқнинг асрий орзу-армонлари, феъл-атвори ва онгу тафаккури камалак жилосидек товланиб туради.

"Тановар" ана шундай асар.

Мукаррама опа ижросида бу улуғ наво билан бетакрор рақс уйғунлашиб, янада маҳобат касб этган, у бир дунё фикр-ўй қўзғайди. Бу ғамли-ғуссали достон ўтмиш ҳақида, ишқу вафо ҳақида ҳеч ўчмас таассурот қолдирди...

Сувдек равон оқаётган рақснинг бирон-бир жойида ортиқча ҳатти-ҳаракат сезилмайди. Қиё боқишлар ҳам, чўчиб қочишлар ҳам, нозу итоб ҳам, ҳаммаҳаммаси жондан азиз бўлган ошиқ билан хилватда дийдор кўришган маъшуқанинг ҳаёли, армонли ва, айни пайтда, нурли муҳаббатини тараннум этади. Яна бу, очиқ-ойдин эмас, балки диловарлик, нафис санъат, назокатли имо-ишоралар тили билан куйланган дил розидир.

Халқнинг ўзидан олиб, баланд бир мақомга кўтариб, яна унинг ўзига ҳадя этилган бундан кўра мумтоз яна қандай асар бор?

Ҳануз ёдимда, эгнимда аскар гимнастёркаси, дилимда ёзувчи бўлиш истаги, тенгсиз малоҳат ва беқиёс санъатнафосатга кўзим тўймай, сел бўлиб ўтирар эканман, насиб этса, бир кун келиб, менга ва менга ўхшаган беҳисоб одамларга олам-жаҳон завқ улашган, илоҳий ҳикматлардан бири бўлмиш рақс санъати юзидаги пардани олиб, унинг бутун жозибасини намоён этган Мукаррама Турғунбоева ҳақида бутун бошли бир китоб ёзаман, деб ният қилган эдим.

Мана, шундан буён ҳам ярим асрдан ошиқ вақт ўтди. Бу орада, яхшидир-ёмондир, бир қанча асарлар ёздим, улуғ боболаримиз ҳаётиға мурожаат этиб, уларнинг нурли сиймосини жонлантиришга ҳаракат қилдим, бироқ Мукаррамахоним ҳақида бутун бошли бир китоб тугул, лоақал бир сатр ҳам ёза олмадим.

Йўқ, мен аҳдимдан қайтганим йўқ.

Бунинг учун эмас!

Яхши ёза олмайман, деб қўрққаним учун!

Худо берган ва санъатида жилваланиб турган улуғворликни бутун бўй-басти, гўзаллиги, маҳобати билан ўзим кўрган, билган ва ҳис этган даражада ифода эта олишга журъатим етмагани учун...

## Лев Толстой

— Катта ёзувчи ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ҳикоя бўладиган таъсирчан жиҳатини илғай олиши, ёзганлари кўнгилга ёруғлик бағишлаб, Яратганнинг назарини ёдга солиши ва одам боласини бедорликка ундаб туриши керак, — дейди Одил ака.

Дастлаб мен кўп адашганман. Бир тўғри йўл очиб олишга, оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг фарқига боришга ўша замоннинг ўзи ҳеч имкон бермаган. Буткул ҳаётимиз сиёсатга айланиб кетган эди. Шўро тузумида қийинчилик бўлмайди, деган ақида ҳукмрон, шунга қараб тўн бичасан, воқеликни бўяб-бежаб кўрсатасан ва уйдирмага асосланган мана шу асар, минг афсуски, яна олқиш ва мукофот олади. Наинки адабиёт, ҳатто илм-фан, санъат ва маданият, туриш-турмушимиз шундан иборат бўлган. Метин-мустаҳкам бу исканжани парчалаб-ёриб чиқиш осон эмас эди, албатта.

Умумадабиётдаги ясамаликдан қутула олмай, ёзганларим ўзимга ёқмай, эзилиб-қийналиб юрган вақтимда мен Лев Толстойни туш кўрганман.

Буюкларнинг тождори бўлмиш бу мислсиз зот менга лом-мим деган эмас, фақат у қўлимдан етаклаб бориб, ўша, тоғ этагида ўсган, боссалар-да, янчсалар-да, юлиб-юлқилаб ташласалар-да, бари бир, умид билан яна қуёшга талпиниб, кўкка бўй чўзаётган ва ўзи "Ҳожимурод"да чексиз бир меҳр билан тасвирлаган бўйсунмас "қариқиз"ни кўрсатган, холос.

Чамаси, бу бир ишорат эди.

Қаранг, шунда ўсмир ёшимда ҳам бу улуғ даҳони туш кўрганим ёдимга тушди. Ўша куни мен "Ҳожимурод"ни мутолаа қилганман, биринчи марта. Асарнинг муқаддимаси, айнан ўша, "қариқиз" деб аталмиш ўсимлик ҳақидаги тафсилот менга ортиқчадек бўлиб туюлган ва уни ташлаб ўтиб, асосий оқим ичига шўнғиб кетганман.

Худдики, Лев Толстой олис чечен овулини эмас, балки бизнинг қишлоқни қаламга олган эди. Аввало, қишлоғимиз ўртасидаги мачит, унинг ёнидан сойга буриладиган тор кўча кўз олдимда жонланди. Кўчанинг икки томонида пастқам уйлар, уларнинг томида бекорчи чоллар, қачон қараманг, боғига кўзқулоқ бўлиб ётишади. Кечқурун қирдан пода қайтади, қўй-қўзилар маъраши оламни тутиб кетади, мўрилардан тутун ўрлаб, ҳавода тезак ҳиди бурқсийди.

Толстой тасвирлаган манзаранинг ўзгинаси!..

Назаримда, Ҳожимурод шу мачит томондан келиб, бизнинг тор кўчага бурилган ва муюлишдаги пастқамгина уйнинг томида ётган чолни уйғотган. Буни қарангки, чечен овулида бўлгани каби, бизнинг қишлоқда худди шундай ғарибона бир кулба бўлиб, унинг томида бир баджаҳл чол ёнғоқ қўриб ётар эди.

Айниқса, тезакнинг қўланса ҳиди деган ибора мени ҳайратга солган, шунда ўзим кўриб-билиб юрган ҳаёт лоп этиб кўз олдимга келган ва яна оламжаҳон таассурот хаёлимни банд этган! Ва булар барчаси азиз ва қадрдон эканини юрак-юракдан ҳис этганман!

Мана, ёзувчилик нима!

Мана шу табиий сўзлар, азон айтган муаззин қироати, мўрилардан кўтарилган тутун ва тезакнинг қўланса ҳиди қанчалик оддий туюлмасин, унда буюк бир ҳикмат яширин. У сизни сеҳрлаб қўяди ва ўзингиз кўрган-билган, болаликдан қадрдон бўлган ҳаёт кўз олдингизда жонланади.

Қиссани бир ўтиришда ўқиб тугатдим.

Ҳожимуроднинг ўлимидан дилим вайрон бўлиб, итларнинг улишига қулоқ солиб, китобнинг очилишидаги улуғвор чолнинг суратига, ўткир кўзларини найзадек қадаб турган Лев Толстойга тикилганча узоқ хаёл суриб ётдим. Қандай кўзим илинганини ўзим билмайман. Бир маҳал туш кўрибман, тушимда ўша, чеҳрасидан, бутун вужудидан қудрат ёғилиб турган қария!..

Эгнида ўша, узун кўйлак, бесўнақай қўлларини ингичка камарига суқиб, уйимизга секин кириб келган эмиш!

Ўшанда у менга бир нима деган эмас, иккинчи сафар эса, ўша "қариқиз"га ишора қилган, холос...

Бунда чуқур маъно бор. Мен шуни ўйлай-ўйлай, аста-секин ҳаётнинг ва адабиётнинг ўзгармас қонуниятларини англай бошладим.

Граф Толстой айтадики, Худони танимоқ ва яшамоқ — айнан бир нарса. Худо — ҳаётдир.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мен йўл қўйган ва маънавий-руҳий изтиробга сабаб бўлган хатоликни англаш қийин эмас. Биз ғойибдан келувчи бахтни йўққа чиқариб, тақдирини ўз қўли билан яратувчи ҳазрати инсонга айланган эдик. Умримиз, бутун онгли ҳаётимиз Яратганни инкор этиш билан ўтарди.

Толстой таъкидлаб айтганидек, биз олаётган нафас, биз яшаётган ҳаёт, биз билган моддий олам, бутун борлиқ яхлит ва бир бутун Худо демакдир. Ўзимиз ҳам шу хилқатнинг бир заррасимиз, холос. Мана шу ҳақиқатга асосланган, ҳаётни аслича ифода этган адабиётгина чинакам адабиёт бўлади.

Ҳаммаси ўтиб кетади, фақат ҳақиқат қолади, дейди даҳо адиб.

Шу маънода, биринчи жиддий асарим "Муқаддас" десам, хато бўлмайди. Унда мен талабалик давримда кўрган-кечирганимни қандай бўлса, шундайлигича тўкиб-солганман.

Лекин Толстойнинг ишорати буюк ва ниҳоятда теран.

Қиссада у Ҳожимуроднинг руҳий оламини бир ёқлама тадқиқ этган эмас, балки ўша ўсимлик янглиғ, бошдан-охир, мислсиз саховат ва улуғ инсоний муҳаббат билан тасвирлаган. Мард ўғлоннинг эркинлик ва озодлик, Ватан ва эътиқод йўлидаги матонатли курашини нурга белаб ифода этган. Бунинг асоси шуки, у ҳаётга жуда баландда туриб, юксак ва самовий бир назар билан қараган. Ва ҳар бир нарсани ўлчашда иймон тарозиси энг олий мезон, деб билган.

Ўзингиз ўйланг, агар шу асар яратилмаганида, Ҳожимуродни ўз халқидан бўлак яна ким билар эди? Толстойнинг шарофати билан бугун бутун жаҳон чечен ўғлонини зулмга қарши матонатли, ўтюрак курашчи деб билади, худди Жалолиддин Мангуберди каби унинг баҳодирлиги юракларга олов солиб, инсон шаънини шарафга буркаб туради. Ва худди сиз билан биз каби, Озодликни қадрлаган инсонки бор, мудом уни эсга олиб, юрагида эъзозлаб-ардоқлаб яшайди.

Адабиётнинг қудрати мана шунда!

Лев Толстойнинг мумтоз асарлари, айниқса, император билан рус православ черкови патриархига ёзган нодир хатлари кишини ҳайратга солади. Унда чор ҳукумати Волга ортида яшаётган, жуда қадим маданиятга эга бўлган халқларни қилич билан бўйсундириб, уларга зулм қилаётгани ошкора айтилган, одамларни Худонинг йўлидан тўсиш, ёвузликдан эзгулик ва зулматдан зиё сари интилишига монеълик қилиш охир-оқибат Яратганнинг ғазабига гирифтор бўлиши, бу эса, жуда қимматга тушиши каромат қилинган.

У, Худо бизни бева-бечораларга ва бир-биримизга зулм-ситам қилиш учун эмас, балки ҳиммат ва мурувват кўрсатиш учун яратганини қайта-қайта уқтирган.

Шунинг учун бу буюк инсонни христиан динидан четлатишган! Ва ўша, нодир хатлари юз йил давомида сир сақланган. Гарчи граф бўлса-да, қабри ҳам оддий, бир бева-бечора, бир камбағал деҳқонники каби...

Кўрдингизми, бу мислсиз даҳо эзгулик ва адолатга нечоғли чанқоқ бўлган. Ҳақни, ҳақиқатни дунёвий неъматлардан устун қўйган. Ўткинчи дунёга маҳлиё бўлиб эмас, балки Тангри таоло буюрганича яшаб ўтган. Ва, албатта, ҳаммамизни худди шунга даъват этган.

Адабиётнинг вазифаси шу!

## "Мангу яшилликнинг туғма улфати..."

*Йиллар тўфони таассуротлар ёлқинини кўмиб ўтади. Кеча унутилмас бўлиб туюлган ҳодиса бугун ўз қимматини йўқотади. Фақат ўша вақтлар ёзилган "Кундалик"гина сарғайган саҳифаларида муҳрланиб қолган кечинмаларни асраб-авайлашга беҳуда уринади. Чунки кечмиш таассуротлар бугунги ҳолингга ҳамиша ҳам мувофиқ келавермайди.*

*Ўшанда мен ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган эдим.*

*Лойшувоқ уйнинг бир бурчагида, бозиллаган сандал ортида бобом мулла Отақул Суяр ўғли қироат билан Қуръон тиловат этади, мен эса, оёғимни ловга тоблаганча мўъжаз бир китоб ичига сингиб кетганман.*

*Аҳён-аҳёнда унинг сарғиш жилдига, ундаги сулув қизнинг ва йигитнинг тилла сувида ишланган суратига суқланиб қараб қўяман. Ниҳоят, қисса якун топди. Ва мен отилиб ташқарига чиқдим. Илк баҳор насими келиб, юзларимга урилди. Юрагим тошиб, кимларгадир бир нима дегим келаётган эди...*

*Ўшанда бу ёруғ оламда Одил Ёқубов деган ёзувчи бор экани, бу асарни у юрак қони билан битгани хаёлимга келган эмас. Муқаддасни ўсмир қалби билан суюб қолган эдим, Шарифжоннинг аҳволига ачинардим. Бу чигал тақдир ўз қисматим каби жони-дилимни ўртарди...*

*Ўша қисса жонимни бежиз орзиқтирган эмас. Унда бедор ва безовта руҳий туғён, инсонга ачиниш ва тириклик нафаси бор, шу кўнгилга уйғоқлик бағишлайди, ҳаёт ҳақида, ўзгалар қисмати ҳақида ўйлашга даъват этади. Мана шу фазилати туфайли адибнинг мумтоз ва ҳаётбахш асарлари тириклик оламига мангу яшил хилқат бўлиб қўшилди.*

*Шу ҳақда ўйласам, мумтоз шоирнинг Пушкинни улуғлаб ёзган сатри хаёлимдан ўтади.*

***Мангу яшилликнинг***
***туғма улфати —***
***У — сен...***

*Бундай зотлар ҳавони тозалаб, инсоннинг нафас олиши учун имкон яратиб бераётган ям-яшил дарахтга ўхшайди.*

Ёднома

# ТАНҚИД МАЙДОНИДА ТУРИШ МАШАҚҚАТИ



Ҳомил Ёқубов 91 йиллик умрининг бир кам етмиш йилини адабий танқид майдонида сергаклик билан ижод қилиб ўтказди. Турли хил инқилоблар, сиёсий жангу жадаллар, пинҳона зиддиятлар, оммавий қирғин, қама-қамалар авж олган XX асрда профессионал танқидчи бўлиш қиличнинг дамида юришдек гап эди. Биология фанида, генетика соҳасида авж олган сохталик ижтимоий билимлар, хусусан, адабий танқидчиликда рўй-рост кўзга ташланди. Не-не эзгу умидлар билан танқидчилик майдонига кириб келган Вадуд Маҳмуд бор-йўғи 8 йилча, Отажон Ҳошим, Раҳмат Мажидий, Ҳамидулла Убайдуллаев, Абдулла Олимжон 10 йил атрофида, Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайн 13 йилга яқин танқиднинг машаққатли нонини еди. Билишимча, Абдураҳмон Саъдий ва Ҳомил Ёқубов танқид соҳасининг бузруклари даражасига етдилар: умрлари поёнига қадар танқид майдонини тарк этмадилар. Тўғри, Иззат Султон ҳам Ҳомил Ёқубов сингари XX асрнинг 30-йилларида танқид майдонига кириб келди. Адабиётшуносликнинг иззатли сиймосига айланди. Лекин И.Султонов гоҳ арбоб, гоҳ ёзувчи-драматург, киносценарист сифатида танқид майдонини тарк этиб турди.

Ҳомил Ёқубов табиатан босиқ, бағрикенг, одамохун инсон эди. У бўлар-бўлмасга тутақавермас, ўзини катта олмас, илмий изланишларини сира бўшаштирмас, кўнгил майлига бўйсуниб яшарди. Мен Ҳомил Ёқубовни бундан ярим аср илгари САГУда (ҳозирги ЎзМУ) ўқиб юрганимда таниганман. Учинчи курс филолог-талабаларининг ўқув жадвалига "Ўзбек адабиёти тарихи" деб ёзилган, уни доцент Ҳ.Ёқубов ўтиши билдирилганди. Жадвалга биноан аудиторияга ўртабўй, жуссаси увоққина, қалин кўзойнак таққан, оқ юзли, файзли, ўрта ёшлардаги ўқитувчи тортинибгина кириб келди. Ўтадиган фани ҳақида озгина гапирди-да, минбарга чиқди. Маъруза бошланди. Домланинг "семиз" папкаси ҳам, "сарғайиб кетган" конспект дафтари ҳам йўқ эди. Ўқитувчи фанини яхши билиши дарҳол билинди. Аммо Ҳ.Ёқубов тортинибгина гапирар, талабага тик боқмас, ўтилаётган мавзуга бус-бутун шўнғиб кетарди. Талаба бола-да: ўзини дарҳол эркин сезди, нима қилса қилди. Илмсевар талабалар эса, ўқитувчининг гапларига, ундаги мантиққа, ғаройиб фактларга маҳлиё бўлдилар. Хуллас, Ҳомил ака ҳаммага эмас, хосларга — илм шайдоларига маъруза ўқиди. Ажабки, талабалар ўқитувчига мўл савол бердилар, уни баҳсга чорладилар. Дастлаб бўш-баёв кўринган устоз баҳсга ўч экан:

— Шунақамас-де. Сиз асосий масалани тушунмийвоссиз... Мани олдимга келинг, пикрлашовуз...

Аспирантлигимда, 1962 йили яна Ҳомил Ёқубовнинг тингловчиси бўлдим. Бу сафар устоз ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, назарияси ҳақида махсус курс ўқиди. Адабий танқид домланинг ўттиз уч йиллик қадрдон майдони эди: тингловчилар бу мураккаб майдоннинг ўтмиши, XX асрдаги ҳолати, катта-кичик намояндалари, турли оқимлар ҳақида аниқ, қизиқарли маълумот олдилар. Маърузачи мумтоз танқидчиликнинг тазкира, ҳасби ҳол, маноқиб сингари таянч жанрлари, адабий-танқидий асарлар хусусида гапирди; жадид танқидчилиги, унинг намояндалари ижоди ҳақида асосли фикрларини айтди. Бизни, 60-йилларнинг аспирант, тадқиқотчиларини кўпроқ ўзбек совет танқидчилигининг муаммолари қизиқтирарди. Ўқитувчи Маркс, Энгелс, Ленин асарларини, адабий методлар тарихини пишиқ ўзлаштирган экан. Дарсда, табиийки, социалистик реализм, унинг назарий асослари ҳақида кўп гапирилди. Лекин ўқитувчи масала моҳиятини аниқ, лўнда ифодаламас эди. Мен кейинчалик Ҳ. Ёқубовнинг "Бадиий метод улуғ Ленин талқинида", "Ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиши хусусиятлари", "Лирикада конфликт" сингари тадқиқотларини синчиклаб ўқидим. Олим бу асарларини ёзиш учун кўп китобларни ўқиганлигини, уларни теран уқишга интилганлигини сездим...

Шундай ҳам бўладики, олиму санъаткор ўзини қанчалик қийнамасин, кунни тунга улаб ижод қилмасин, барибир, кутилган натижага эриша олмайди. XX асрда социалистик реализм ҳақида ёзмаган адабиётшунос, танқидчи қолмади ҳисоби. Лекин бу метод ҳақидаги изланишлар сароб бўлиб чиқди. Чунки соцреализм методи аввал-бошданоқ сохта қонуният асосида пайдо бўлди. Хусусан, у масалалар масаласи — гуманизм ва гўзалликни ўта сунъий, жўн талқин қиларди. Ҳ.Ёқубов ижодида соцреализмга ҳаддан ташқари берилиниб, инсон руҳияти нозик талқин этилган асарлар, ҳақиқий гўзаллик ишонарли кўрсатилган шеърлар ноҳақ танқид қилинган мақолалар учрайдики, беихтиёр: "Беайб парвардигор экан-да", деб юборасан киши.

Ҳомил Ёқубов кенг қамровли олим эди. Баъзи "қатъиятли" қаламкашлар сингари у Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижодидан юз ўгирмади. Аксинча, Абдулла Қодирий асарларидаги ҳаётийлик, самимийлик, табиийликдан ҳузурланди; "Синчалак"ни синчиклаб талқин қилди; умри поёнида Навоий ва Чўлпон мавзуида тадқиқот яратди. Домла ижодида мумтоз адабиёт намояндалари – Бобур, Турди, Муқимий ҳақидаги тадқиқотлар юксак мавқега эга. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди борасида шўро адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб тадқиқот яратганлиги мақтовга лойиқ. Олим Бобур лирикасини, "Бобурнома"ни "соцреализм ойнагини ечиб қўйиб" асосли талқин этади. Тарки одат амри маҳол деган гап бор. Мен ҳозиргина "ечиб қўйилган соцреализм кўзойнаги" тўғрисида гапирдим. Ёқубов домла Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти ҳақида ёзар экан, Маркснинг "Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги" асаридан, гарчи мавриди бўлмаса-да, икки бор иқтибос келтиради. Адабиётшунос "Бобурнома" муаллифини ҳам шоир, ҳам подшо сифатида кўрсатади. Кейинчалик Бобурни шоир сифатида бир хил, ҳукмрон сифатида ўзгача талқин қилиш майли кучайди.

Ҳомил Ёқубов қарийб 60 йил ўзбек танқидчилиги майдонида қоядек мустаҳкам турди. 30-йиллардан бошлаб биронта ёзувчи ижоди, кўзга ярқ этиб ташланган асар унинг назаридан четда қолмади. Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Шайхзода, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Асқад Мухтор сингари ёзувчиларнинг эл-юртга танилишида устоз танқидчининг танқидий очерклари, тадқиқотлари, адабий портретлари, тақризлари, шарҳлари муҳим аҳамият касб этди. Танқид майдонида қойим тураркан, Ҳ. Ёқубов ҳар хил оқимларни, турли тенденцияларни, ёзувчилар ижодидаги ўзгаришларни аниқ кўриб, билиб турди. Лекин одамда алоҳида меҳр, симпатия деган гап бор. Олим-мунаққид Ёқубов Ойбекни ўзига жуда яқин оларди. Педтехникумда бирга ўқидилар, алғов-далғовли 30-йилларда ёнма-ён ижод қилдилар, Ойбек қаерда бўлса, Ёқубов ўша ерда бўлишга интиларди. "Шарқ юлдузи"да, Академиянинг Тил ва адабиёт институтида ҳамкор бўлдилар. Ойбек 20-йиллардаёқ адабий танқидчилик соҳасининг фидойиларидан бирига айланди. Ойбек ҳақида ёзмаган танқидчи қолмади, ҳисоби. Лекин Ҳомил Ёқубов ҳамиша ойбекшуносларнинг етакчиси бўлди. Пировард-натижада, устоз мунаққид Ойбек ижоди ҳақидаги бош китоб — тадқиқотини яратди, фан доктори илмий даражасини олди.

Тақдир, касб тақозоси икки йирик сиймо Ҳомил Ёқубова ва Иззат Султоновни ўзаро яқинлаштирди, ҳамкор, ҳамфикр қилди. Улар узоқ йиллар давомида Тил ва адабиёт институтида ёнма-ён фаолият олиб бордилар, икки етакчи бўлимни бошқардилар. Иззат Султонов социалистик реализмнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон миллий адабиётларида шаклланиши, ривож топиши ҳақида докторлик диссертациясини ёқлади. Ҳ. Ёқубов ҳам, айтилганидек, соцреализмни чуқур ўрганди. Иззат Султонов мумтоз адабиётни билишда Ҳ. Ёқубовдан қолишмасди. Унинг ижодида "Навоийнинг қалб дафтари" асари мисоли олтин тож бўлди. Икки олим ҳамкорлиги самараси ўлароқ "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки" (1962), "Ўзбек адабиёти тарихи" ( 1967; уч том, 4 китоб), 5 жилдли "История узбекской советской литературы" китоби, икки жилдли "Ўзбек совет танқидчилиги" (1987) асарлари пайдо бўлди. Бу асарлар янги ўзбек адабиёти, танқидчилигининг муҳим бир қисмига якун ясади. Ҳар икки олим 6 жилд, 7 китобдан иборат "История многонациональной советской литературы" номли маҳобатли китобдаги ўзбек адабиёти бўйича материалларни ёзиш, уюштиришда бош-қош бўлдилар. XX асрнинг 60-йилларидан Тил ва адабиёт институтида замонавий адабиёт бўйича тайёрланган диссертация, тадқиқотларга И. Султонов ва Ҳ. Ёқубов раҳбарлик қилдилар.

Етук олим ҳамма ерда ҳурмат топади. Ҳомил Исломович ҳозирги ЎзМУ филология факултетининг ўз одами эди. Домла бу масканга бот-бот келишни, бир умрлик дўсти Субутой ака билан дилдан суҳбат қуришни, жиддий масалалар ечимини Ғулом Каримов билан ҳал қилиб олишни, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов сингари ёш дўстлари билан, бирдам бўлса-да, яйраб олишни истарди. Қадрдонлари илтимосига кўра устоз талабаларга ваъз қилар, аспиранту тадқиқотчиларга мутахассислик бўйича маслаҳат берарди. Университетнинг Ғулом Каримов бошлиқ аҳил адабиётшунос-ўқитувчилари ҳар ойда бир бор йиғилишар, мумиёи асл (палов) устида ажиб суҳбатлар давом этарди. Бора-бора ойлик йиғилишлар "гап"га айланиб улфатда Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Ҳомил Ёқубов, Сидиқ Фузаилов, Аҳмад Алиев, Абдуғани Алиев, Аъло Ашрапов, Муҳаммадnодир Саидов, Озод Шарафиддинов ҳақиқий аъзо бўлиб, устозлар лутфан У.Норматов, Ҳ.Муҳаммадхўжаев ва мени қаторларига дастёр-аъзо сифатида қўшгандилар. "Гап"га гоҳ Турғун Алиматов, гоҳ Умар Отаев, гоҳ Маъруфхўжа Баҳодиров, гоҳ Фахриддин Умаров қатнашарди. Гарчи улфатчиликка санъаткор таклиф қилинган бўлса-да, ҳамма Субутой Долимов ижросидаги куй-қўшиқни интизорлик билан кутарди. Субутой ака Чўлпонни "кўрган" дуторни "қўлга олиб, уни аста-секин гапга соларди". Дутор созлангач, сеҳрли куй бошланар, Субутой ака куйиб-ўртаниб Фузулий, Навоий, Бобур, Муқимий сўзлари билан катта ашулани бошлардилар. Тингловчилар муайян фурсат арши аълога кўтарилардилар. Ўша дамларда инсоният яратган кашфиётлар орасида куй-қўшиқ бебаҳо эканлигини ҳар ким ўзича англарди. Ҳомил Ёқубов куй чалмас, ашула айтмасди, лекин санъат ташрифида маст бўлаётганлиги яққол кўриниб турарди. Шундай пайтлари у кишим "-изм"лар билан чандиб ташланган, қуюшқонга тиқилган қарашларни тамоман унутар, санъатнинг беғубор осмонида ҳузур қилардилар.

XX аср ўзи билан хокисор фарзанди аллома Ҳомил Ёқубовни олиб кетди. Устоз умрлари давомида билағон олим, танқид майдонининг ҳушёр эгаси сифатида кўп яхши ишларни амалга оширди. Устозни кўрган, билган, ундан яхшилик кўрган киши борки, яхши одам эди, Оллоҳ раҳматига олсин, дея дуо қилади.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**профессор**

Доимий ҳамроҳ

## "ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАСРИ"

Бугунги кун адабиёти яқин ўтмиш адабиётидан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу фарқ, умумлаштириб айтганда, воқеа-ҳодиса тасвиридан, баёнидан кўра, инсоннинг, унинг қалби таҳлилининг биринчи планга чиққанлигида кўринади.




Филология фанлари доктори, профессор Ҳакимжон Каримовнинг яқинда чоп этилган ("Zarqalam" нашриёти) "Истиқлол даври насри" рисоласида мустақиллик йилларида яратилган ҳикоя, қисса ва романларда акс этган ҳозирги ўзбек насрининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Рисола уч боб, ўн икки қисмдан иборат. Муаллиф ҳозирги ўзбек ҳикоячилигидаги янгиланиш ва янги тамойиллар, қиссачилик муаммолари, романларда давр, тарих ва замон масаласи каби мавзулар хусусида ўзининг кузатишларини, хулосаларини баён этган.

Рисола олий ўқув юртлари талабалари, бугунги ўзбек насри масалалари билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Абдураҳим аканинг ижодий фаолиятини йигирма йилдан ортиқ кузатиб келаман. Ўшанда 1985 йил эди. Абдураҳим ака "Усто" халқ усталари бирлашмаси раҳбари этиб тайинланди. Таҳририят топшириғи билан бирлашманинг янги раҳбари билан суҳбатлашдик. У кишининг самимияти, ўз ишини жон-дилидан севиши, яхши суҳбатдош, оддий, дилкаш инсон эканини суҳбатимизга жон бағишлади.**

**Орадан салкам чорак аср ўтиб қолди. Қанча сувлар оқиб кетди, юртимиз истиқлолга юз тутди. А.Умаров раҳбарлигидаги бирлашма республика махсус "Усто" ижодий ишлаб чиқариш уюшмасига айланди. 1993 йили "Усто" корхоналари халқаро "Олтин глобус", 2002 йили эса Швейцариядаги халқаро "Сифат асри" мукофотларига сазовор бўлди. Абдураҳим Умаров "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди.**

**Ҳа, кўп нарсалар ўзгарди, фақат бир нарса қандай бўлса, шундайлигича қолди. Бу Абдураҳим аканинг характери, феъл-атвори. Уста ҳамон оддий, самимий, дилкаш, тўғрисўз инсон. Ҳамон "Усто" уюшмасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида тажрибаси янада ортди, маҳорати чархланди, унинг меҳнати синган объектлар сони кўпайиб борди. Албатта, йиллар ўз ишини қилди, устанинг сочлари оқарди, ёшига ёш қўшилди, лекин ғайрати, шижоати сусайгани йўқ. Юртимизда кечаётган ўзгаришлар устага илҳом бағишламоқда.**



Абдураҳим УМАРОВ:

# "ҲАЛИ ИШИМ БИТГАНИ ЙЎҚ..."

Учрашув

— Мустақиллик даврида миллий меъморчилигимиз том маънода ривожланишга юз тутди, — дейди А.Умаров. — Очиғини айтиш керак, илгари кўпгина усталаримиз ишсиз қолган эдилар. Айниқса, миллий ҳунармандчилигимиз ачинарли тарзда ривожланишдан тўхтаб қолганди, қанча-қанча устахоналаримиз ёпилиб кетди. Чунки илгари асосий эътибор европа типидаги замонавий бинолар қурилишига қаратилиб, миллий усталар хизматидан жуда оз фойдаланиларди.

Бугун эса аҳвол бутунлай ўзгача. Истиқлолнинг 16 йили давомида фойдаланишга топширилган замонавий биноларни санаб улгуролмайсан киши. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларининг гумбаз ости ва ички безаклари, пойтахтимиздаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг ўймакор айвонлари ва ганч сиркор кошин безаклари, Термиздаги Археология музейининг ганч безаклари, Тошкент, Қарши,



Навоий шаҳарлари Хотира майдонларидаги ўймакор безакли миллий айвонлар ва бошқа кўплаб йирик бинолардаги ишларни кўриб ўзимизнинг ҳам кўзимиз қувонади.

Қадриятларимизни тиклаш бўйича Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган кўплаб хайрли ишларни айтмайсизми. Усталаримиз маҳорати, айниқса, Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаларини қайта тиклаш, "Шоҳи зинда" мажмуасининг кириш қисмини таъмирлашда яққол намоён бўлди.

*А.Умаров юқорида санаб ўтган қадимий меъморчилигимизнинг обидаларига қайта ҳаёт бағишлашда усталарга бошчилик қилиб, бевосита ўзи ҳам ҳар бир устун, ҳар бир ёғочнинг безатилишида катта ҳисса қўшди. Усталар қадимий меъморий шарафалар, ёғоч ўймакорлигининг юксак намунаси бўлган муқарнас ва ҳовузакларни замонавий биноларда муваффақиятли қўлладилар, гумбаз ости ганч безагининг қадимий ироқи усулини қайта тикладилар. Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасининг Мўйи Муборак кутубхонасини таъмирлашдек вазифа усталарга катта маънавий озиқ берди. Зеро, бу даргоҳда муқаддас Қуръони Карим сақланади.*

*"Усто" уюшмаси усталарининг ишини фақат юртимизда эмас, чет элларда ҳам яхши биладилар. Абдураҳим ака бошчилигидаги усталар Ўзбекистоннинг Франция, Германия, Ҳиндистондаги элчихоналари биноларини миллий услубда юксак маҳорат билан безаганлар. Юртимизда фаолият кўрсатаётган оддий усталарнинг қўллари дунёни ҳайратга солаётганидан кишининг кўнгли фахрга тўлади. Эҳтимол, эндигина фаолиятини бошлаётганида Абдураҳим аканинг ўзи ҳам иши шундай эъзоз топишини хаёлига келтирмагандир. Умуман, ҳаммаси қандай бошланганди? Бу ҳақда устанинг ўзи шундай ҳикоя қилади:*

— Агар болалигимдан устачиликка қизиққанман, десам унча тўғри бўлмайди. Чунки қизиқишим мутлақо бошқа томонга йўналган эди.

Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилиб ўсганман. Уйимиз машҳур Кўкча бозорининг ёнидаги кўчада эди. Машҳур ҳофизлар Акмалхон ва Бобохон Сўпихоновлар ён қўшнимиз бўлишган. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин уларни. Биласиз, бу ҳофизларни юртимизда, айниқса, Тошкентда танимаган одам йўқ. Хуллас, болалигимдан ана шу ҳофизларнинг қўшиқлари қулоғим остида жаранглаб улғайдим. Уларнинг машқлари ҳам бола қалбимга аллақандай ўзим тушунмайдиган ҳис-туйғуларни олиб кирарди. Шахснинг шаклланишида муҳит ниҳоятда катта рол ўйнашига менинг болалигим яққол мисол, десам хато қилмасам керак. Чунки қўшни ҳофизлар таъсирида куй-қўшиққа жуда қизиқиб қолдим.

Шу сабаб Шайхонтоҳур туманидаги ўқувчилар уйининг мусиқа тўгарагига қатнай бошладим. Бу ерда нота орқали ўнтача куйни чалишни ўргандим. Ўшанда 1958 йил эди.

Қўшни маҳаллада ҳам ўртоқларим бор эди. Улар менга шаҳар марказидаги ўқувчилар уйида ганчкорлик тўгарагига қатнашаётганларини, бу иш жуда қизиқарли эканини айтиб қолишди. Ўртоқларимнинг гапларига қизиқиб, 1959 йили ана шу тўгаракка аъзо бўлдим. Менга тўгаракдаги ишлар, айниқса, унинг раҳбари уста Маҳмуд Усмонов ёқиб қолди. Бу одамнинг касбига фидойилиги ҳам, инсоний фазилатлари ҳам ҳаммага ўрнак бўларли эди. Ишга шунчалик берилиб кетдимки, бўш қолдим дегунча устанинг олдига югурардим, ҳатто хонадонларда қиладиган устачилик ишларида ҳам қатнашардим.

Лекин бир нарсани айтиб қўяй. Ишимиз осон эмасди. Лой, тупроқ, алебастр ичида юрардик, ҳаммаёқ чанг, ифлос. Эҳтимол, шу сабаб бўлдими, кўп болалар тарқаб кетишди. Баъзиларининг ота-оналарига, баъзиларининг ўзларига ёқмади шекилли бундай чанг-тўзонли иш. Лекин мен устанинг ёнида қолдим ва шу вақтгача тўғри иш қилганимга шак келтирганим йўқ. Мана, алебастрга қўл урганимга ҳам 48 йил бўлди. Бирор дақиқа бўлса-да, устанинг ўгитлари, панд-насиҳатлари ёдимдан кўтарилгани йўқ. Ҳар бир ишда устанинг сабоқлари тўғри эканлиги исботланяпти.

*Дарҳақиқат, уста Маҳмуд Усмонов шахси Абдураҳим аканинг ҳаёти ва фаолиятида ҳамиша ўзини намоён қилиб келмоқда. Тўгаракка қатнаб юришганидаёқ уста шогирдларига мактабни тугатиб, олий ўқув юртларида ўқишни маслаҳат берарди. "Албатта, меъморчиликка ўқинглар, — деганди Маҳмуд ота. — Чунки меъморлик илмини яхшилаб ўргансангиз, биноларни ўзинглар қуриб, ўзинглар безайсизлар".*

*Шунинг учун ҳам А.Умаров 1966 йили Тошкент Политехника институтининг архитектура факультетига ўқишга кирди. Лекин ўқиш даврида ҳам уста билан алоқани узмади. Дарсдан сўнг Маҳмуд Усмонов билан ганчкорлик ишларини давом эттирди, уста фаолиятини янада чуқурроқ ўзлаштиришга интилди. Институтни тугатиб шу ерда, "Жамоат бинолари ва интерьерни лойиҳалаш" кафедрасида ишлади. Шу билан бирга ганчкорлик фаолиятини ҳам давом эттирди. Кейинчалик Тошкент керамика комбинатида, ҳайкалтарошлик ва маҳобатли санъат комбинатида бевосита ганч ўймакори сифатида ижодий ва амалий ишларни бажарди.*

*Шу даврда Тошкент метросининг бир неча бекатларидаги ганч безакларини, Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, давлат Санъат музейи ва бошқа кўплаб маъмурий ҳамда жамоат биноларидаги нақшинкор ганч безакларини бажаришда ҳисса қўшди. Қаерда ишламасин, меъморликда ўрганганларини уста Маҳмуд Усмоновдан олган сабоқлари билан қўшиб қўллади. Бинонинг тарихини яхши тушунганидан кейин ҳар бир безакни ўз ўрнида ишлатишни ҳам билди. Шунингдек, юртимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ўзига хосликларини чуқур ўрганди. Бу ҳақда шундай дейди:*

— Бизда меъморий безаклар ишлашнинг турли мактаблари шаклланган. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги театрда кўплаб мактаб вакилларининг меҳнати мужассам. Лекин улар алоҳида-алоҳида ажралиб туради. Аслида ҳам, уста қайси ҳудуддан бўлса, ўша жойнинг колоритини сақлаб қолиб безак ишлаши керак. Эҳтимол, кўп усталар Тошкентда ўқишади-ку, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ўқиш даврида фақат техникани, ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганиш лозим. Бажараётган безагини эса ўз яшаш ҳудудидан келиб чиқиб ишлаши шарт. Акс ҳолда, ҳамма ёқни бир хиллик эгаллаб олади.

Шуниси қувонарлики, ҳозирги кунда фақат маъмурий, ишлаб-чиқариш, маданий-маърифий муассасаларда эмас, оддий уй-жойлар, ошхоналар қурилишида ҳам усталаримизнинг хизматига эҳтиёж кучайяпти. Ҳатто шундай бўляптики, янги уй-жой қураётган ҳамюртларимиз уйларининг танчали, тоқили, тахмонли, токчали бўлишини хоҳлашяпти. Демак, усталарга эҳтиёж ортяпти, уларнинг ўз имкониятларини, маҳоратларини намоён этишлари учун шароит кенгайяпти.

*Ҳа, бугун бизга қўли гул усталар жуда ҳам зарур. Қурилаётган ҳар бир бинода миллий колорит бўлиши, қадим меъморчилигимиз янада ривожланиб, гуллабяшнаши учун ҳам керак бу. Абдураҳим аканинг ҳам шогирдлари жуда кўп, уларни юртимизнинг ҳар бир ҳудудида учратиш мумкин. Халқ усталаридан биринчи "Ўзбекистон Қаҳрамони" Абдуғани Абдуллаев ҳам устанинг шогирдларидан. Шуларни ўйлар экансан, А.Умаров бежиз ганч ўймакорликдан биринчи академик бўлмаган, деган фикр келади хаёлингга.*

*Абдураҳим аканинг шижоатига қойил қолмай илож йўқ. У ташкилий-бошқарув масалаларни ижодий фаолият билан уйғунликда олиб боради. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида халқ амалий санъатини, миллий меъморликни кенг тарғиб қилиш ишига ҳисса қўшиб келмоқда. Кўплаб кўрсатувлар, мақолалар, илмий ишлар унинг ўз соҳаси бўйича берган маслаҳатлари, изоҳлари ёрдамида яратилмоқда. Кўриб турганингиздек, кечагина уста Маҳмуд Усмоновга шогирд тушиб, чанг-тупроққа қоришиб юрган Абдураҳим Умаровнинг ўзи бугун катта устоз даражасига етди, энг олди шогирдлари билан иш бошлаганига ҳам 35 йил бўлиб қолди.*

*Лекин у ҳамон устозларидан ғойибона кўмак сўрайди, сўзсиз маслаҳатлашади. "Ҳар бир ҳунарнинг ўз пири бўлади, — дейди уста. — Шунинг учун ҳар бир иш олдидан устозлардан дуо сўрайман. Уларнинг руҳи қўллаб-қувватлаб туради. Ижодий жараёнда ҳар хил шароит бўлади. Баъзан ўйлаган нарсанг ҳадеганда чиқавермайди. Шунда хонамга келаман-да, деворда суратлари осиғлик турган устозларим билан суҳбатлашаман, маслаҳатлашаман, улардан мадад сўрайман. Ишонасизми, бу, албатта, ёрдам беради".*

*Бугун Абдураҳим уста айни камолот палласида. Ҳаётий, ижодий тажрибалари кўп нарсалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини жамлашга, тажрибаларини умумлаштиришга ва ўртоқлашишга имкон берадиган ёшда. Шу сабаб, ўз касби ҳақида қандай хулосага келгани билан қизиқдик:*

— Ўзимизнинг, ҳамкасбларим ва шогирдларимнинг ҳаёти, фаолиятини кўриб туриб, устачиликни танлаганимдан хурсанд бўлиб кетаман. Чунки шахсан ўзим бу касбни танлаб кам бўлганим йўқ. Биз усталар кўп мўъжизаларни қўлларимиз билан бунёд этаётганимиздан, ҳар бир ғишт, ҳар бир ёғоч қўлларимизнинг изи қолаётганидан хурсандмиз. Тарих гувоҳлик беряптики, бизнинг ижод маҳсулларимиз камида 150-200 йил яшайди, авлодларга бугунги кунимиздан, миллий маданиятимиздан ҳикоя қилади.

Умуман, фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, ҳунарли одам ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч нарса йўқотмайди. Мансаб-мартаба, бойлик вақтинча бўлиши мумкин. Лекин қўлингдаги ҳунарингни ҳеч ким тортиб ололмайди.

Оллоҳ умр берса, соғлигим жойида бўлса, устахона-мактаб очиш ниятим бор. Бу ишга учтўртта уста киришганмиз. Мактабимизга асосан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини жалб этмоқчимиз.

*Уста ниҳоятда хайрли ишни амалга ошириш ниятида эканидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Зеро, бу иш биринчи навбатда ўзбек миллий устачилигининг энг яхши мактабларидан бири ҳали узоқ вақтлар яшаб қолишидан дарак беради. Қолаверса, қанча-қанча ёшларимиз ўлмас ҳунарга эга бўлиб, ўзларига ҳам, яқинларига ҳам фойдали иш билан шуғулланиш имконига эга бўладилар.*

*Муҳими, Абдураҳим Умаров "Бўлди, ҳамма ишларим битди, бу ёғига бемалол ҳозирги шуҳратим соясида юрсам бўлаверади", деб бемалол юрадиган одамлар сирасидан эмас. Бу одам ҳали асосий ишларим олдинда, бугунгача эришганларим олий мақсад йўлидаги пиллапоялар холос, деган фикр билан тинимсиз изланишда, ҳаракатда юрган катта уста, миллатимиз маънавий камолотининг ҳақиқий фидойиларидан бири.*

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# ЎЗБЕК ПАВАРОТТИСИ

## Отажон Худойшукуровни эслаб

**Машҳур санъаткор Жулиана Павароттининг вафоти жаҳон опера санъатида катта жудолик сифатида эътироф этилди. Ноёб овози ва ижро маҳорати туфайли Жулиана Паваротти жаҳоннинг энг машҳур ва ардоқли шахсларидан бирига айланди.**

**Операнинг ватани Италия. Гарчанд Франция, Германия, Россия ва бошқа жойларда ҳам опера дурдоналари яратилган бўлса-да, Италия операси ўз соҳасида ҳанузгача пешқадамликни сақлаб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунинг сабаблари равон куйлашга мойил бўлган италян тилидан бошланади ва опера замиридаги кўркам овоз санъати билан камолга етади. Италия операсининг ижро услуби мусиқий ислоҳда "bel canto", яъни "гўзал куйлаш" дейилади. Куйчанлик, равонлик унинг устувор тамойили. Операнинг сўнмас жозибаси ҳам шу куйчанликда.**

Олимларнинг кузатишига биноан "bel canto"нинг ўқ илдизлари Ислом дунёсида вояга етилган овоз санъатига бориб тақалади. Одатга кўра Қуръони Карим ёқимли ва гўзал овозда тиловат этилишига ислом маданиятида катта эътибор берилган. "Ҳофиз" деган тушунчанинг дастлабки маъноси Қуръон матнларини ёд олган гўзал овоз соҳибларини англатади. Бу тушунчанинг иккинчи дунёвий тарафи гўзал овозда чиройли оҳанглар таратувчи санъаткорларга тааллуқли. Яқин тарихда ўтган ва ижролари оҳанрабо тасмаларига зарб этилган ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи, Домла Ҳалим, Ҳожихон, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров ва бошқа кўплаб ҳофизлар мероси фикримизнинг далили бўла олади.



Машҳур арбоблар хотираларида Паваротти санъатининг икки сифати алоҳида қайд этилди. Биринчиси, инсон овози бақириш ёки кучаниш эмас, балки куйлаш, гўзаллик таратиш учун берилган олий неъмат эканлигини идроклаш. Табиат инъом этган ноёб овозни фақат маҳорат билан юксак санъат омилига айлантириш мумкин. Паваротти ижоди бунинг ёрқин мисоли. Бутун дунё уни "маэстро", яъни "устоз" деб тан олади. Унинг ижросидан заррача нуқсон топиш мумкин эмас. Устознинг ҳар бир чиқиши хуш илҳом ва юксак маҳорат билан суғорилган чинакам санъат!

Паваротти ижроларининг яна бир бетакрор хусусияти инсон овози учун энг баланд ҳисобланадиган учинчи октава "до" пардасининг тўлиқ янграши. Мухлислар баъзан ана шу биргина товушни эшитиб завқ олиш учун хонанданинг концерт ва спектаклларига тушадилар. Бу муболаға эмас. Чунки биргина пардада юксак санъатнинг мислсиз жозибаси намоён бўлиши мумкин. "До" товушини, ҳаттоки ундан ҳам баланд пардаларни оладиган хонандалар кўп. Бироқ Павароттининг "до"сига ўхшаган лаззатли ҳаяжонни топиш жуда қийин.

Бундан 30 йил муқаддам устоз Турғун Алиматов қизиқ бир нарсани тушунтириб берган эдилар. Бир куни гапдан гап чиқиб, ўзларига таъсир ўтказган санъаткорлар хусусида сўзлаб, ҳожи Абдулазиз ижролари ва Тўхтасин Жалилов бастакорлигига хос бўлган ажиб сир-синоатни қайд этдилар. Кейин худди шундай фазилат Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов ҳамнафаслигидаги ижроларда ҳам мавжудлигини айтдилар. Маъмуржон ака ижросида бир авж парда бор. У ҳам фақат айрим ҳолларда, илҳом келганда чиқиб қолади. Ажойиб ҳофиз билан бир жойда бўлиб қолсам, шу пардани пойлаб ўтирардим. Ногаҳонда шу сайқал товуш чиқиб қолса, икки-уч кун унинг таъсирида юрардим. Парданинг ширасини, таъсирини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У бир илоҳий сир-асрор ва фақат айрим санъаткорларга насиб бўладиган нарса, деган эдилар.

Хуллас Павароттининг "до"си ва Маъмуржон Узоқовнинг тик пардаси овоз санъатининг бебаҳо дурдонаси. Олтин овознинг олмос қоши.

Овозга бундай юқори баҳо берилишининг сабаби инсон ҳиссиётига хос бир сифат билан боғлиқ. Гап шундаки, мухлис — тингловчи севимли санъаткори ижро этадиган куй ёки ашулага берилиб, уни ичидан ўтказиб, гўё ўзи ҳам қўшилиб ижро этгандай бўлади. Мусиқа санъатининг мўъжизакор қудратларидан бири шунда. Айнан шу туйғу туфайли шинаванда у ёки бу санъаткорнинг мухлисига айланади.

Бизнинг авлод мухлисларига кўп хизмати синган санъаткорлардан бири, марҳум Отажон Худойшукуровнинг овози, сози, санъати ва ҳиммати тўғрисида кўп сўзлар айтилган. Мухлис ва шогирдлари томонидан нота тўпламлари, эсдалик ва хотира китоблари нашр этилмоқда. Уларда жуда кўп қалб сўзлари ҳамда қимматли кузатувлар баён этилган. Ана шундай оташин фикрлардан бири бугунги куннинг пешқадам опера хонандаси Муяссар Раззоқова томонидан билдирилган. Хонанда Отажон Худойшукуровни "ўзбек Павароттиси" деб эътироф этади. Жуда ўринли ва пурмаъно ўхшатиш.

"Зар қадрини заргар билади" деганларидек, Отажон овозининг бебаҳо сифатларини соҳа мутахассиси, ҳар куни, ҳар дами овоз ишқида ўтадиган хонанда яхши ҳис қилади, албатта. Отажоннинг Павароттига қиёс қилиниши алоҳида ифтихор, ҳурмат ва эҳтиром рамзи. Отажон ва Муяссар бир эл фарзандлари. Бунинг устига Муяссар учун Отажон ғойибдан устоз. Ёшлигида Отажон қўшиқларидаги тик авжлар ва равон куй жумлаларидан таъсирланиб, ашулачиликка меҳр қўйган. Ижрочининг ўзи маҳорат палласига чиққанда, бошқалар санъатининг нозик сифатларини пайқаши ҳам табиий ҳолат.

Отажон ижодида барқ уриб турган сифатларни Паваротти санъатига ўхшатишда ҳаётий маъно бор. Отажон айтган қўшиқлардаги олижаноб фазилатларни мужассамлайдиган бўлсак, юқорида зикр этилган икки тамойилга қиёслаш мумкин. Биринчиси, табиий овозни юксак санъат даражасида вояга етказиш. Иккинчиси — ноёб овознинг гултожи бўлган чўққи пардани — "олтин узукдаги олмос қош"ни суиистеъмол қилмасдан, санъат жозибаси, гўзалликка қаратиш.

Дарҳақиқат, вақт ўтиши билан бугун Отажон меросига мурожаат қилар эканмиз, унинг ноёб овози, лаззатбахш "до" пардаси чинакам илҳом билан суғорилган санъат намуналари эканлигининг гувоҳи бўламиз. Манзурнафас ҳофиз талқин этган мумтоз мақом йўлларию суворалар бизга замондош, қалбимизга ҳамоҳанг. Санъаткорнинг улуғлиги ҳам шунда. Устозлардан мерос қолган куй ва ашулаларни обод этиш, умрига умр қўшиш шараф.

Шу билан бирга, Отажон Худойшукуров томонидан бизга замондош Иброҳим Юсупов, Абдулла Орипов, Ошиқ Эркин, Омон Матжон шеърларига ўлмас қўшиқлар яратилган. Уларнинг куй ва оҳанглари ҳофиз қалбидан чиққан. Лекин бу қўшиқларнинг мусиқий муаллифлигига Отажон Худойшукуровнинг даъвогарлиги йўқ. Бу фидойи санъаткорнинг яна бир олижаноб ҳиммати. Халқдан олиб, халққа бериш, мусиқий меросимизнинг энг мўътабар урф-одатларидан бири. Шунинг учун ҳам Отажон мероси умрбоқийликка юз тутмоқда.

Яқинда Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда Элликқалъа шаҳрида ўтадиган V кўрик-танлов ўз ишини якунлади. Энг қувончли томони шундаки, жамоатчилик ташаббуси билан ташкил этилаётган бу анжуман йилдан-йилга куч олиб, оёққа туриб бормоқда. Отажон расм этган равон нафас ҳамда баланд пардаларда янграйдиган оташин ашулалар ҳофизларнинг янги насли томонидан севиб ижро этилмоқда. Бундай асл қўшиқлар эл орасида нақадар ардоқли эканлиги Элликқалъанинг ҳашаматли Санъат саройи ва унинг ёнидаги очиқ амфитеатрга бутун Қорақалпоғистон, Хоразм ва бошқа вилоятлардан келган минглаб мухлисларнинг нигоҳидан, чеҳрасидан сезилиб турибди.

Отажон эл севган, элга чин юракдан хизмат қилган санъаткор. У элга қанчалик фидокорона хизмат қилган бўлса, эл уни шунчалик самимий ардоқламоқда.

**Отаназар МАТЁҚУБОВ**

# ЖАЗ КОНЦЕРТИ

Саксофон созининг бетакрор ижрочиси ва композитор Ангелика Несцьер немис жаз саҳнасига жон бахш этиб келаётган кучли аёл ижрочилардан биридир. Штетин (Полша) шаҳрида туғилиб, Кёльнда ижод этаётган бу санъаткор маънавий отаси ва устози Жон Колтрейндан илҳом олиб ишлайди, бироқ уни кўр-кўрона кўчирмайди. Несцьер унинг анъаналари асосида ўзининг ифода усулларини топа билади. Кучли билимга эга бўлган бу санъаткор театр ва балет учун мусиқалар ёзади, болалар жаз лойиҳаларида қатнашади.

Ўзбекистон Ёшлар театрида Гёте институти ҳамкорлигида ана шу санъаткор ҳамда унинг ансамбли ижросида жаз концерти бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, Ангелика Несцьер тузган "Sublim" квартети фақат унинг композицияларини ижро этади. Бироқ эркин импровизация учун анча кенг шарт-шароит ҳам мавжуд. Квартетда фортепианода Флориан Вебер, зарбли асбобда Даниэл Шретелер, контрабассда Себастьян Рэтер ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.



# МАЪРИФАТНИНГ "ЗАЙНАБ"И

## Кўпчиликка маъқул бўлди.

Эътироф

Маърифатхоннинг театримизга келганига уч йилча бўлиб қолди. Шу қисқа вақт ичида ширин табассумли, истараси иссиқ бу қиз самимияти, камтарлиги, ибоси, ишга жиддий муносабати билан театр жамоасининг ҳурматини қозонди.

Ёш актриса касбини ниҳоятда севади, ўзига топширилган ҳар бир ролга ўта жиддий ёндашади, образнинг моҳиятини, характерини эринмай ўрганади. Бизни хурсанд қилган томони, у баъзи ёшларга ўхшаб илк муваффақиятларидан мағрурланмайди, аксинча режиссёрнинг, устозларининг, ҳамкасбларининг талаб ва маслаҳатларини тўғри қабул қилади, ўгитларига қулоқ солади, билмаганини сўраб ўрганишдан ор қилмайди. Энг муҳими, ҳаммасидан ўзига тегишли сабоқ чиқаради. Маърифат иштирокидаги "Ҳасан кайфий" (Нон сотувчи қиз), "Машраб" (Муниса), "Бахтли бўл, дугонажон" (Набира), "Пари қишлоқ" (Умида), "Тўда" (Камола), "Тошкентнинг нозанин маликаси" (Мунаввар), "Ўткан кунлар" (Зайнаб), "Тобутдан товуш" (Ҳожар) спектакллари сўзимнинг исботидир.

Айниқса, Зайнаб ва Ҳожар образлари актриса ижросида шу қадар ишонарли чиқдики, жамоа ҳам, томошабинлар ҳам унинг иқтидорини муносиб баҳоладилар.

Кузатишларимдан шуни сездимки, спектаклга келган томошабинлар Маърифатнинг қаҳрамонлари билан баробар уларнинг кечинмаларини ҳис қилиб турадилар, бирга шодланиб, бирга азоб чекадилар. Унинг Зайнаби кўпларни ўзига ром этади, спектаклдан чиқаётиб "Отабек Зайнаб билан қолса бўларди, у ҳам севилишга лойиқку", деганларини эшитиб қоламиз. Бунга, шубҳасиз, актрисанинг ўзбекона латофати, ҳаё-ибоси сабаб.

Баъзан унинг бундай яхши актриса бўлиб етишаётганига киндик қони томган жой ҳам сабабмикин, деб ўйлаб қоламан. Чунки Маърифат санъаткорлар маскани Хоразмда туғилиб-ўсган. Онасининг айтишича, чақалоқлигидаёқ қўлчаларини тепага чўзиб, худди "Лазги"га ўйнаётгандай ҳаракатлар қилар экан. Шунда ота-онаси "Бу гизимиз артист бўлажак", деб кулишаркан. Ўшанда фаришталар "Омин" деган бўлса ажабмас.

Маърифатнинг айтишича, холалари, тоғаси санъатга қизиқиб, турли кўрик-танловларда қатнашган, ҳатто маҳаллий телевидение орқали берилган концертда чиқишган экан. Хуллас, Маърифатга санъат болаликдан қадрдон. Еттинчи синфда ўқиб юрганида "Ўзбекистон ватаним маним" кўрик-танловида қатнашиб биринчи ўринни эгаллаган. Кейин Тошкент Санъат институтига кириб, бу ерда Рустам Усмонов, Мирза Азизов, Боир Холмирзаев каби устозларда ўқиди. Ўқиш даврида Лайли, Асал, Дилдорбегим, Моҳимбону каби образларни яратди, "Оталар сўзи" кўрсатувида роллар ижро этди. Мақсуд Юнусовнинг "Ибн Сино" телефилмидаги Робия, Тоживой Исроиловнинг "Қаердасан, оймомо" филмидаги Зуҳра роллари томошабинларнинг ёдида қолди.

Бугунги кунда Маърифат Муқимий номидаги мусиқий театрда бир қатор бош ролларни маҳорат билан ўйнаб, келажаги умидли эканини намоён этмоқда.

Маърифат Ортиқовага санъат оламида баланд парвозлар тилаб қоламиз.

**Марям ИХТИЁРОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

# НЕМИС РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли немис графиги ва фотосуратчиси Вольс (Альфред Отто Вольфганг Шульц)нинг "Вольс. Фотосуратлар. Акварелар. Босма графика" кўргазмаси очилди. Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилиш маросимида қатнашган Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Маттиас Майер мазкур тадбир икки дўст мамлакат ўртасида ўзига хос маданий кўприк вазифасини ўташини таъкидлаб ўтди.

Галереянинг Гёте институти билан ҳамкорликдаги учинчи тадбири бўлган (аввалроқ Макс Эрнст ва Герхард Рихтер ишлари қўйилганди) бу кўргазмада қирқта оқ-қора суратлар, ўн иккита акварел ва ўттиз учта гравюра намойиш этилмоқда. Шунингдек, анъанага кўра ижодкор ҳақида маърузалар ўқилиб, филм намойиш этилди. Геппиген шаҳар (Германия) Санъат саройи директори Вернер Мейернинг "Бугунги санъат — замон санъати", "Санъаткор Вольс" каби маърузалари юртимиз мўйқалам усталари ва санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

**Мухлиса ФАЙЗ**

**Нуриддин АМИНЖОН**



## Рамазон илҳомлари

Илму урфонда ғоят ўзамиз —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Юртим юксалиш йўлида илдам,
Ютуқ бор жойда бошлар бўлмас хам.
Нуриддин, тортмас элдошинг алам —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

### ИНОЯТ

Инсоф, диёнат, сабру қаноат,
Иймон ёр бўлиб, пеш келса омад.
Сўнгги дамгача тутасан қомат —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Беҳуда асло ёшланмас кўзлар,
Заъфарон рангда кўринмас юзлар.
Ҳидоят сари бошлагай сўзлар —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Аҳли қабоҳат иймондан йироқ,
Аҳли садоқат толеъга чироқ.
Тахти саодат сенга ёр, бироқ —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Қошлар қабоқни босиб турмагай,
Гуллаган ёшда хазон урмагай.
Иқбол қуёши юзин бурмагай,
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Ночордан кимки хабар олади,
Кўнглин кўтариб йўлга солади.
У минг балодан омон қолади —
Аллоҳ йўл берса, Хизр қўл берса.

Қаро кунларнинг йўлин тўсамиз,
Нотинч тунларнинг йўлин тўсамиз.

### ИЖОБАТДУР

Мавжудлигинг саодатдур.
Шукринг ҳаққа садоқатдур.
Ғашланма, дўст, насиҳатдан,
Дин устуни насиҳатдур.

Ҳалол луқма поклар дилинг,
Яшнар, кулар ҳар манзилинг.
Комилликка чорлар йилинг,
Англолмасанг маломатдур.

Гина-қудрат иллати бад,
Яхши қилмиш билмайди ҳад.
Даъват қилу кўрсат ибрат,
Бу илмингдан далолатдур.

Олам ўқилмаган китоб,
Ҳадисда бор минг бир жавоб.
Лаёқатда топсанг савоб,
Маҳшар куни ҳимоятдур.

Ҳавасмандга нишон бўлгил,
Ёмон кўздан ниҳон бўлгил.
Сўзи маъно фишон бўлгил,
Мавқеингга кафолатдур.

Субҳидамга туттил юзинг,
Кўп емишдан чекла ўзинг.
Қут топадур ризқу рўзинг,
Туттан рўзанг ижобатдур.

Шул Ватанга фарзандлигинг,
Умри элга пайвандлигинг.
Нуриддин шеърга бандлигинг,
Яратгандан иноятдур.

# ЁМОН ДЎСТНИНГ БЕЛГИСИ

**Бузургмеҳрнинг саволлари ва устозининг жавоблари**

**— Дунёда энг қимматли нарсалар нима?**
— Тан сиҳатлик, бойлик ва хотиржамлик.
**— Ишларимни кимга топширсам хотиржам бўламан?**
— Ҳасадсиз дўстингга топширсанг хотиржам бўласан.
**— Қайси вақтда қандай ишлар қилишим керак?**
— Ёшлигингда илм ўрган, кексаликда яхши ишлар билан шуғуллан, бошқа вақтларда эса ўз ишинг билан банд бўл.
**— Кишилар олдида нимани сўзламаслик лозим?**
— Кишилар олдида ўз ҳунаридан сўзлайвериш ва ўзини мақташ номақбул одатдир.
**— Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?**
— Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.
**— Кимдан ҳазар қилиш лозим?**
— Мақтанчоқдан, чақимчидан ҳамда бойиб олган хасисдан.
**— Кимни сахий деса бўлади?**
— Бировга бир нима бергани учун қувонадиган кишини.
**— Кишини нималар обрўсизлантиради?**
— Бахиллик, мағрурлик, манманлик, хотин-қизлар учун эса шармсизлик ва эрларига ёлғон сўзлаш.
**— Кимни бадбахт дейиш керак?**
— Такаббур одамни.
**— Дунё неъматлари нима билан топилади?**
— Илм-ҳунар, меҳнат, қаноат ва шукроналик билан.
**— Нима қилсам табибга муҳтож бўлмайман?**
— Оз есанг, оз гапирсанг, оз ухласанг ва бўлмағур ишларга қўл урмасанг.
**— Энг оқил киши ким?**
— Кўп билиб, оз сўзлайдиган киши.
**— Хорлик нимадан пайдо бўлади?**
— Дангасалик ва бузуқчиликдан.
**— Ақлли кишилар нимадан пушаймон бўладилар?**
— Ўз ишларидаги шошқалоқликдан.
**— Ҳамиятни нима йўқотади?**
— Таъмагирлик.
**— Одобнинг энг яхши амали нима?**
— Тавозе.
**— Дунёда ҳаммадан бахтли киши ким?**
—Ўзини саховат билан безаган, ростдан бошқани сўзламайдиган ва дунёга ҳирс қўймаган одам.
**— Ёмон дўстнинг белгиси нима?**
— Ёмонликка судраш, сирни ошкор этиш ва иш ўтгандан кейин "Бундай қилиш керак эди", дейиш.
**— Нолойиқ иш қилган дўстдан қандай қилиб қутулса бўлади?**
— Зиёратига кам борсанг, ҳол-аҳволидан хабар олмасанг ва учраб қолганда бирор ҳожат сўрасанг, нокас дўстингдан осонгина қутуласан.

## Минг бир ҳикмат

**— Кимларга яхшилик қилиш керак?**
— Биринчи галда ақл эгаларига ва фозил кишиларга.
**— Кимларга яхшилик қилишнинг ҳожати йўқ?**
— Аблаҳ, нодон, бадфеъл ва сассиқ сўз кишиларга.
**— Ҳаётда қандай ишларга қўл уриш керак?**
— Ақл ва зукколикни эгаллаш, поклик ва парҳезкорликка юз тутиш ҳамда дардмандларга ёрдам бериш зарур.
**— Қандай кишилар бахтиёр ҳисобланадилар?**
— Шогирдлар устозларига, фарзандлар ота-оналарига, эр хотинга, хотин эса эрга иззат-ҳурмат, меҳру муҳаббат ва садоқатда бўлсалар, ундай кишилар бахтиёрдирлар.
**— Фосиқнинг қандай белгилари бор?**
— Фосиқлар кўришганда лаганбардорлик, орқаваротдан эса ғийбат қиладилар; бошга мусибат тушганда хурсанд бўладилар.
**— Нималар ғам ва койишни йўқотади?**
— Дўстлар билан кўришиш ва замон фозиллари, оқиллари билан суҳбатлашиш.
**— Нима қилсам кишилар мени ўзларига дўст тутадилар?**
— Муомалада ситамкор бўлмасанг, ёлғон сўзламасанг, ваъдага хилоф иш қилмасанг ва тилинг билан кишиларга озор бермасанг.
**— Илмнинг офати нимада?**
—Истамаган кишига илмдан гапириш, сўзга тушунмайдиган кишиларга ўринсиз илм ўргатиш илмнинг офатидир.

**Абдуллажон ЖУВОНМАРДИЕВнинг "Нодир саҳифалар" китобидан.**

## Дунё — кенг...



### ЎН АСРЛИК ҚАЙИҚ

***Буюк Британия археологлари ғоят ноёб топилмани — XI асрда яшаб ўтган викингларга тегишли қадимий қайиқни қўлга киритишди, дея хабар беради The Times газетаси.***

Топилма бундан роппа-роса ўн аср илгари Мерсисайд графлигининг Уиррал шаҳрида ясалган, деб эътироф этишмоқда олимлар. The Times газетасининг ёзишича, бу қадимий қайиқ 1938 йили меҳмонхона қуриш чоғида кўҳна харобаларда топилган. Лекин қурилиш раҳбарияти топилдиқни сир тутган. Чунки археологларнинг қазишма ишлари меҳмонхона қурилишини тўхтатиб қўйиши ва қурувчиларни ортиқча сарф-харажатга тушириши аниқ эди.

Ниҳоят, 1991 йилга келиб ўша қурилишда иштирок этган ва қайиқни топиб олган қурувчи Жон Макрей бу ҳақда ўғлига гапиради. Шундан сўнг янгиликдан хабар топган Ливерпул университети олимлари ҳам аввалига ушбу маълумотларга шунчаки миш-миш дея эътибор бермайди. Мутахассислар ҳам текширув ишларини бошлаш учун ишончли манбалар лозимлигини рўкач қилишади.

Лекин яқинда Ноттингем университети археологи, профессор Стивен Хардинг бу топилма ҳақидаги ахборотга қаттиқ қизиқиб қолади ва уни тадқиқ этишга жиддий киришади. Шундан сўнг, у кекса қурувчи Жон Макрейнинг ўғли билан учрашиб, қадимий



қайиқнинг тахминий чизмасини олади.

Топилма сақланаётган ҳудуд аввалига георадар ёрдамида текшириб чиқилади. Буни қарангки, кўҳна қайиқ айнан қурувчи айтган ерда — Мерсисайд графлигининг ички ҳовлиларидан бирида 6 метр чуқурликда тупроққа кўмилиб ётган экан. Профессор Хардингнинг айтишича, қайиқнинг яхши сақланиб қолишига унинг лой ва гил билан қоришиб ётгани сабаб бўлган. Чунки авваллари археологлар викингларга оид ёдгорликларнинг фақат изларига дуч келишган, холос. Шунинг учун ҳам Стивен Хардинг Уирралда қазишма ишларини бошлаб, қайиқни қўлга киритмоқчи. Бунинг учун эса, 2 миллион фунт стерлинг сарфланар экан.

Университетнинг бошқа бир профессори Осло Кнут Пааше топилмага доир маълумотларни ўрганиб чиқиб, жамоатчиликка ғаройиб янгиликни тақдим қилди: олти киши учун мўлжалланган қайиққа нақ ўн икки киши сиғаркан. Агар олимнинг сўзлари тасдиғини топса, демак, XI асрда Уирралда мустақил давлат тузиб яшаган викинглар баҳайбат одамлар бўлган, деган фикр келиб чиқади.

### ШОКОЛАДДАН ТИЛЛА ТИШ ЧИҚДИ

***Британиялик 62 ёшли электрик Теренс Фитцжеральд "Марс" шоколадини иштаҳа билан тишлаганди... кутилмаган "совға"га дуч келди. Унинг шоколади ичидан тилла тиш чиқди.***

Теренс ушбу қимматбаҳо топилмадан мутлақо қувонмади, аксинча ширинликни қадоқланишдан аввал ҳам кимдир еб кўргани ва унда кўнгилни беҳузур қилувчи из қолдиргани қариянинг қаттиқ жаҳлини чиқарди, деб ёзади The Sun газетаси.

Фитцжеральд воқеа ҳақида дарҳол маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга маълум қилиб, улардан шоколаддан татиб кўрган кишини билиб беришни талаб қилди.

"Менинг еттита неварам бор. Тасаввур қилинг, шоколадни мен эмас, невараларим еб қўйганда тиш уларнинг томоғига тиқилиб, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин эди, — дейди Теренс. — Энди бундан буён "Марс" емайман. Шу ширинликни кўрсам кўнглим беҳузур бўляпти".

Фитцжеральднинг сўзларига кўра ширинлик ишлаб чиқарувчи компания жабрланувчига ҳеч қандай бадал тўламоқчи эмас, ҳатто Теренсдан бир оғиз кечирим ҳам сўрамаган.

Лекин компания масъул ходимлари шоколодга тилла тиш қандай кириб қолганини аниқлаш учун суриштирув ишларини бошлаган.

**Жамшид МАТЁҚУБОВ тайёрлади.**

# ВАТАНДОШИМИЗ ЭҲТИРОМИ

## Ёднома

Саудия Арабистонига қилган илмий сафарларимиз чоғида ватандош шоирларимиз Комил Абдулла Тошқин, Абдураҳим Учқун, Акбар қори Ҳамдам, Минҳожиддин Ғамгин (Хуррам) ва бошқалар билан суҳбатлар уюштириб, мумтоз қўшиқларимиз ёзилган тасмаларни мириқиб эшитар эдик. Айниқса Берта Давидова ижросидаги ашулалар таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб турар эди. Хусусан, унинг "Адашганман" ашуласини эшитганларида ватандошларимиз беихтиёр кўз ёши тўкканларига гувоҳ бўлганман.

Бир ўлтиришимизда шоир Ёқубхўжа Маҳжурийнинг Бертахонимга атаб ёзган бир ғазалини дўстларимиз ўқиб беришган ва каминага тортиқ қилишган эди. Айтишларича, шоир ғазал матнини қисқагина нома ва камтарона совға билан Берта Давидовага юборган. Камина "Бухорийлар қиссаси" (Муҳожират тарихидан) асаримиз иловасида ватандош шоирларимиз ижодидан намуналар қаторида Ёқубхўжа Маҳжурийнинг ушбу ғазалини ҳам бердик. (Тошкент, Ислом университети нашриёти, 2006 йил).

Яқинда Саудия Арабистонидаги дўстлардан бири телефон орқали Бертахоним вафотини эшитиб дўстлар номидан таъзия билдирди ва Маҳжурийнинг ўша ғазалини матбуотга беришни мендан илтимос қилди.

Қуйида шу ғазални газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

**Сайфиддин ЖАЛИЛОВ**

**Бўстони дил гулин шохида, эй булбул нишон,**
**Чекмасин булбул дами, танбур ила сен чек фиғон.**

**Юзи гул, овози булбул, шеваси куйи мақом,**
**Чек наво, мен назмдан гул даста айлай армуғон.**

**Дамбадам сайр эт кўнгиллар гўшасини соз ила,**
**Ҳасрату ғам топмасин дилларда тутмоққа макон.**

**Ҳайкалим наққошдек рангимни гулгун этмасанг,**
**Дарди фурқатда бўлибдур ранги-рўйим заъфарон.**

**Ҳоли ҳиндусини таъриф айласа Зебуннисо,**
**Духтари ибрини дерман тўтийи ширин забон.**

*Ғазал араб имлосида битилган бўлиб, бош ҳарфларига "Берта" номи яширинган.*



Оталар чойхонаси...

# ЖАРОҲАТ

## Қатра

Ўша куни тун билан тонг курашди, қон билан жон талашди, ака билан ука бегоналашди...

Қосим ота ўлими олдидан икки ўғли — Азимжон ва Нозимжонни ёнига чақириб насиҳат қилди: "Болаларим, бу дунёда сизлардан бошқа меҳрибоним, сизлардан бошқа зурриёдим йўқ. Раҳматли онанг билан иккаламиз бутун умримизни сизларга бағишладик. Сизлар учун ўзимизни ўт-чўққа, иссиқ-совуққа урдик. Ҳозир, кўзим тирик экан, аҳил-иноқсиз, кўз юмганимдан кейин ҳам аҳил-иноқ бўлинг! Шу ҳовлида хотин, бола-чақаларингиз билан бир-бирингизга қошу кўз бўлиб яшанглар! Ер иккалангизга ҳам етади, иккалангизни ҳам боқади. Сизлар аҳил яшасангиз, онангиз ва менинг руҳим ҳам шу ҳовлида бўлади. Мабодо, Худо кўрсатмасин, ораларингиздан меҳр-оқибат кўтарилар экан, руҳимиз чирқирайди".

Қосим ота хотинининг вафотидан ўн беш йил кейин, фарзандларини уйли-жойли қилиб бу дунёни тарк этди. Ўғиллари бутун умри меҳнатда ўтган одамохун, ҳалол ва ростгўй отасини иззат-икром билан қабрга қўйишди. Қишлоқнинг каттаю кичиги Қосим отанинг тобутини қабристонгача қўлма-қўл кўтариб бордилар. "Қосим ота қандай одам эди?", дея қаттиқ овоз билан оломондан сўраган гўрковга "Тилла одам эди, ҳалол одам эди, бебаҳо одам эди" деб жавоб беришди.

Орадан анча вақт ўтди. Катта ҳовлида вояга етаётган ака-укаларнинг фарзандлари ўртасидаги арзимаган дилхиралик аста-секин овсинларнинг можаросига айланди. Улар ўртасидаги ғидибидилар, болаларнинг ўртасига тушиб соч юлишлар эса ака-укаларнинг ўртасига совуқчилик туширди. Улар битта дарвозадан чиқаётиб, бир-бирларига рўпара келиб қолишса юз ўгириб ўтадиган, овсинлар ўзаро ғазаб қиладиган бўлишди. Натижа шунга етдики, ҳовли ўртасидан девор урадиган бўлишди. Томорқа ўртасидаги марҳума онаизор эккан ва ҳар баҳорда набираларини бейинчиликка чиқарадиган катта балхтути ўртада талош бўлди.

Ака "Тут менинг томонимда қолади", деса, ука "Йўқ, тут деворнинг бу томонида бўлади", дея ўжарлик қилди. Қўлларини белга тираб томошабин бўлиб турган овсинлар эрларини гиж-гижлаб туришди. Шунда Азим нариροқда турган ойболтани ола солиб "Унда менга ҳам, сенга ҳам йўқ" дея жаҳл билан тутни ойболта билан кеса бошлади. Ука жаҳл отига минди, терлаб-пишиб тутни кесаётган акасининг қўлидан ойболтани силтаб тортиб олди-да бехосдан акасининг гарданига туширди...

Ҳовлида қиёмат қўпди. Эрта саҳардан доду фарёдни эшитган қўни-қўшнилар Қосим отанинг ҳовлисига югуришди. Бўлган ҳодисани кўриб биров бош чайқади, биров қўл силтади, биров ёрдамга югурди.

Икки кун шифохонада ҳушсиз ётган акага шифокорлар ҳам ёрдам бера олмадилар. У кўп қон йўқотиб ҳушига келмай, яқинларига бир оғиз сўз айтмай, ота васиятини адо эта олмай оламдан ўтди.

Нозим ҳибсга олинди. Овсинлар тул қолди. Фарзандлар тирик етим бўлди, зурриёдлар тарбиясиз қолишди. Ҳувиллаб қолган ҳовли ўртасидаги танаси ярим чопилган, ҳар йили шиғил-шиғил мева соладиган тут шу-шу қайтиб мевага кирмади, шу-шу қайтиб яшнамади. Бошқа дарахтлар ҳам қаровсизликдан сарғайиб, сўла бошлади. Чунки ҳовлини нурга, файзу барокотга буркаб турган марҳумларнинг руҳи бу хонадонни аллақачон тарк этган эди. Тут дарахти танасидаги жароҳат бу ердаги меҳр-оқибатни, ота васиятини ҳам жароҳатлаган эди.

**Марям АҲМЕДОВА**

# БОШЛОВЧИНИНГ "БОШИ" БОРМИ?

## Куюнчак мактуб

Бугунга келиб радио, телевидение ва газета ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Сув ва нонсиз яшай олмаганимиздек, ахборотсиз ҳам туролмайдиган бўлиб қолдик.

Ҳозирги кунда ҳар ким янгиликни турли йўналишда, турли усулларда, қолаверса турли мазмунда олиши мумкин. XXI асрга келиб оммавий ахборот воситалари дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва янгиликларни жамиятга етказиб турувчи муҳим бўғин сифатида шаклланди.

Аммо ҳар бир воқеа-ҳодиса ва маълумот ҳам кишиларга етказса бўлаверадиган ижтимоий янгилик ҳисобланадими?

Менингча, хусусий радиоканалларимизда ишлайдиган айрим бошловчиларнинг ғийбатчилардан фарқи қолмаяпти.

Кунларнинг бирида радиони тинглаб туриб, бошловчи билан мухлис ўртасидаги суҳбат эътиборимни тортди. Бошловчи мухлисга шундай саволлар бераётганди: "...Севган қизингиз билан гаплашдингизми?", "Нималар ҳақида суҳбатлашдиларинг?", "Ундан ажралиб қолсангиз, нима бўлади?.." Хуллас, тингловчиларнинг меъдасига тегадиган саволлар билан эфир вақтини беҳудага сарфлаётган бошловчи ўз вазифасини бутунлай унутганди. Лекин бу ҳали ҳолва экан. Беш дақиқадан сўнг яна эфирга телефон қилишди. Қиз бола экан.

"— Ассалому алайкум. Яхшимисиз... ака.

— Ваалайкум ассалом! Эшитаман, марҳамат.

— Бугун мен ишга боролмайман, фалончига айтиб қўйинг, Самарқандга кетаяпман.

— Қачон қайтасиз?

— Кечқурун.

— ...хон сизнинг олдингизда радио борми?

— Йўқ...

— Афсус, жавоб сўраётганингизни бутун Ўзбекистон тинглаётганини эшитмаяпсиз.

— Э... жиннимисиз?"

Худди ҳамкасблар кўчада учрашиб қолишгандек, суҳбат қизғин давом этарди. Айниқса, бошловчининг хохолаб кулиши ҳаммасидан ўтиб тушди.

Менингча, бундай ҳолларда фақат бошловчиларнинг эмас, уларни назорат қиладиган муҳаррирларнинг ҳам айби бор.

Умуман олганда, айрим радиоканалларимизда тингловчига ҳурмат, эътибор қолмаётгандек. Эфирда кўчадаги бекорчилардек соатлаб вайсайдиган бошловчилар кишини радиодан бездиради, холос.

**Э.ОТАҚУЛОВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси**

## Акс садо

# ВАҚТ — УЧАР ҚУШ

"ЎзАС"нинг 10 август сонида босилган "Агарда мен шоир бўлмасам..." мақоласида бугуннинг муаммосига айланган, болаларнинг бутун диққатини тортган компютер ўйинлари хусусида фикр юритилибди. Албатта, миллатнинг эртаси ёшларнинг келажакда ким ва қандай инсон бўлиб етишишларига боғлиқ. Айни пайтда компютерни билиш ҳар соҳада талаб этиляпти. Чунки ҳозир кўпгина ишлар у орқали бажарилаяпти. Қолаверса, замонавий дунёнинг талаби ҳам шу. Бирор-бир даргоҳ йўқки, усиз фаолият юритса. Табиийки, катта ёшдаги мутахассислар орасида компютерни мутлақо тушунмайдиганлар ҳам топилади. Ҳозирги ёшларнинг деярли ҳаммаси унга қизиқади. Биринчидан, у вақтни ўтказиш учун шунчаки ўйин вазифасини бажарса, иккинчидан, жиддий иш қуролидир. Хўш, бугун нега ундан бунчалик хавфсираяпмиз? Негаки, танганинг икки томони ҳам бўлганидек, унинг ижобий томонлари билан бирга зарарли томонлари ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Ота-боболаримиз илгари шам ва мойчироқнинг титроқ шуъласида китоб ўқишган. Бугун эса биз электр чироқлари нурисиз ҳеч нарса қилолмаймиз. Кечаси бу табиий ҳол, бироқ кундуз кунлари, ҳатто бемалол ўқийдиган, кўрадиган жойларда ҳам электр чироғини ёқиб ўтиришади. Ҳеч ким кўзининг хира бўлиб қолишидан қўрқмаяпти. Биз кексалар кундуз кунлари то кун ботиб, қоронғу тушгунча ёзсак, ўқисак ёшлар "кўзингиз хиралашиб қолади" деб бизга аксини насиҳат қилишади. Техник тараққиёт инсоннинг ўй-қарашлари, ҳаётга муносабатига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймас экан.

Маҳалламиз болалари ҳаддан ташқари компютер ўйинларига қизиқиб бораётгани, бу уларни мутолаадан узоқлаштираётганлиги ҳақида кексалар куюниб гапиришади. Болалар тез-тез ота-оналаридан пул сўрайдиган бўлиб қолишган. Компютер ўйинининг энг ёмон жиҳати, болаларни тажанг, асабий, жаҳлдор қилиб қўяётир. Бу ҳақда жамоатчиликнинг қайғуришлари беҳуда эмас.

Вақт дегани учар қуш. Уни ўз вақтида ушлаб қолиш эса бахт. Ўқиш ва ўрганишнинг ўрнини ҳеч нарса, ҳатто компютер ҳам боса олмайди.

Мақола муаллифи Алишер Отабоев "... мактабга бориш, дарс тайёрлаш ўрнига ота-онаси тушликка берган пулни компютерхоналарга сарфлаётган болаларни кўрганда ачинасиз. Энг ёмони, бундай ўйинлар болаларни зериктирмайди", деганида ҳақиқат бор. Ҳар нарсанинг олди олингани яхши. Хўш, нима қилиш керак? Бу савол жамоатчиликка ҳавола. Уни ҳар бир оила, ҳар бир ота-она жиддий ўйлаб кўриб, шунга кўра иш тутмоғи лозим.

Компютер, нафақат болаларнинг вақтини ўғирлаяпти, рассомларимиз ижодига ҳам таъсирини ўтказяпти. Ахир, тасвирий санъат ижоднинг энг нозик, сирли тури. Компютер ёрдамида асар яратувчилар ҳақиқий ижод қўлда, юракнинг қўри билан яратилишини, компютер воситасида ишланган асарлар давр синовларига дош бера олмасликларини унутмасликларини истар эдик.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос**

«PERSEV» номли хусусий корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклдаги штамп йўқолганлиги сабабли

**бекор қилинади.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Котибият — 136-56-50
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3466. Буюртма Г — 948. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН